АВГУСТ—ҲОСИЛ ТЎПЛАШ ВА ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИШ ОЙИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 177 (12.530)

Пайшанба, 1 август 1963 йил

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИНИНГ МУРОЖААТИГА ЖАВОБАН, ПАХТА ДАЛАЛАРИДА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ҚИЛАЙЛИК, АВГУСТ ОЙИДА ҲАМ ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТТИРАЙЛИК!

ПАХТА ДАЛАСИ— ЖАНГОВАР ФРОНТ

Пахта устида илк баҳордан фидокорона меҳнат қилиб келаётган азамат пахтакорларимиз мўл ҳосил учун курашнинг энг сўнгги, ҳал қилувчи ойига қадам қўйдилар. Августда ҳосилга-ҳосил қўшилади, августда нимжон ғўзаларни бўлиқ ғўзалар қаторига етказиб олиш мумкин. Бутун пахтачилик тарихида август ғўза парваришида энг зарбдор ой, пахта даласи эса жанговар фронт ҳисобланиб келган ва ҳозир ҳам шундай. 3 миллион 566 минг тонна «оқ олтин»нинг тақдири ҳам августда қилинган фидокорона меҳнатнинг самараси билан ўлчанади. Худди мана шу кунларда сувчи томонидан эгатлар бўйлаб оқизилаётган ҳар бир литр сув, механизатор меҳр қўйиб ўтказаётган культивация, колхозчи ва совхоз ишчиси қилаётган чопиқ, ўтоқ ва чеканка ғўзаларнинг барқ уриб ривожланишига, кўсакларнинг тобора кўпайиб, янада тўлишига ва ҳосилга-ҳосил қўшилишига ёрдам беради.

Ер ҳам, қуёш ва сув ҳам сахийлик билан пахтакорга хизмат қилаётган ҳозирги долзарб кунларда ҳар бир соат, ҳар бир дақиқа ғаниматдир. Кимки августнинг энг қулай вақтини қўлдан бой бериб қўйса, ғўзани комплекс парвариш қилиш соҳасидаги ҳамма ишлар асосан август ойида тугалланишини эсдан чиқарса ютқазади. Сентябрдаги «аттанг»нинг фойдаси йўқ! Ҳозирги ҳал қилувчи, ғоят масъулиятли кунларда куч-ғайратини аямасдан пахта далаларида чинакам меҳнат қаҳрамонлиги кўрсатаётган киши, августда мўл ҳосил тўплаш, ҳосилга яна ҳосил қўшиш ва уни тўла сақлаб қолиш учун астойдил тер тўкиб, жон куйдириб ишлаётган азамат албатта мақсадига эришади, юзи ёруғ бўлади.

Кеча ҳамма газеталарда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республикадаги барча колхозчиларга, совхоз ишчиларига, механизаторларга, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашларига Мурожаати босилиб чиқди. Ғўза парваришининг якунловчи, сўнгги ҳал қилувчи даврида эълон қилинган бу Мурожаатда республикамиз партия ва ҳукумати хотиржамликка йўл қўймай, август ойида пахта фронтининг ҳамма участкаларида ҳужумни давом эттиришга, бутун кучни она-Ватанимизга 3 миллион 566 минг тонна «оқ олтин» бериш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни сўзсиз бажариш учун курашга сафарбар этишга чақирдилар.

«Азиз ўртоқлар, — дейилади Мурожаатда, — **бутун мамлакат бизнинг ишимизни кузатиб турибди. Ўзбекистон пахтакорлари юртимиз олдидаги ўз ватанпарварлик бурчларини шараф билан бажаришларига совет кишилари аминдирлар. Ғўза парваришини бир минут ҳам бўшаштирмангиз. Ҳар бир далага зўр эътибор берилсин. Ғўзанинг ҳар бир тупи меҳр-муҳаббат билан парвариш қилинсин!»**

Юқори ҳосил учун курашнинг биринчи босқичида республикамиз пахтакорлари жуда катта жасорат, мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатиб, кўкламда тез-тез такрорланиб турган кучли ёғингарчилик, сел, дўл, изғирин шамол, ҳавонинг паст келиши сингари ўжар табиат қийинчиликларини мардонавор енгдилар ва табиий офат оқибатларини баҳодирона тугатдилар. Фидокорона меҳнат, она-Ватан олдидаги буюк масъулият ва ватанпарварлик, интернационал бурч, партия ва ҳукуматимизнинг буюк ғамхўрлиги ва ёрдами шундай қудратли кучга айландики, бу куч олдида табиатнинг стихияли кучлари ҳам чекинишга мажбур бўлди. Шонли пахтакорларимиз Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг Мурожаатига мўл ҳосил учун курашнинг биринчи босқичида қандай мардлик, сабот-матонат кўрсатиб фидокорона меҳнат қилган бўлсалар, август ойида ҳам ана шундай қаҳрамонона иш билан жавоб беришлари, пахтакорлик касбининг муқаддас байроғини охиригача баланд кўтариб боришлари керак.

Халқ меҳр-муҳаббат билан «оқ олтин» деб ном берган пахтамиз — севикли Ватанимизнинг жуда катта бойлиги, миллий ифтихоримиз, шон ва шуҳратимиздир. Пахта — бизнинг ҳаётимиз, қувончимиз, қалбимиз, илҳомбахш меҳнат ва коммунистик мўл-кўлчилик, фаровонлик манбаидир. Бизнинг пахта етиштиришдан кўра масъулиятлироқ вазифамиз, жиддийроқ ишимиз, каттароқ ташвишимиз йўқ. Пахта — ўзбек халқининг коммунистик мўл-кўлчилик дастурхонига қўшадиган энг муҳим ҳиссаси, улуғ рус халқи ва Совет Иттифоқидаги бошқа барча қардош халқлар билан абадий дўстлигининг моддий ифодасидир. СССРнинг «оқ олтин» кони ҳисобланган республикамизнинг меҳнаткашлари пахтакорлик касби билан ҳақли суратда фахрланадилар ва пахта етиштиришни тобора кўпайтиришни қардош совет халқлари олдидаги, социалистик мамлакатларнинг қудратли ҳамдўстлиги олдидаги ўзларининг энг муҳим ватанпарварлик ва интернационал бурчи деб биладилар. Бу муқаддас ишдан, пахта учун курашдан бир киши ҳам четда қолмаслиги керак.

Пахтакорларнинг энг қадрдон дўсти Н. С. Хрушчев партия XXII съездида қилган докладида асаларининг меҳнатсеварлиги ҳақида гапириб бундай деган эди:

«Ҳар бир асалари кўпчилик бўлиб яшайдиган инига ўз оғзида томчилаб шира ташийди. Агар образли қилиб айтадиган бўлсак, совет жамияти катта бир коммунистик асалари уясига ўхшайди. Бизнинг жамиятимизда ҳар бир киши ўз меҳнати билан умумхалқ бойлигига бойлик қўшиши керак. Ана ўшандагина вақти келиб, биз кишиларимизнинг барча эҳтиёжларини қондира оладиган бўламиз. Лекин асаларилар оиласида ишёқмас эркак асаларилар ҳам бўлиб, уларни асаларилар ва асаларичи қувиб юборишга уринади, шунинг сингари бизнинг совет коллективимизда ҳам жамиятга ҳеч нарса бермай, лекин унинг ҳисобидан яшашга ҳаракат қилувчи кишилар ҳали бор».

Пахта фронтида ҳам ана шундай кишилар, пахта устидан ичиб-еб, кийиниб юрадиган, лекин пахтачилигимизни юксалтиришга ҳисса қўшмаётган шахслар йўқ эмас. Ундайларга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш, пахта учун кураш — умумхалқ иши эканлигини бир минут ҳам унутмаслик керак. Бу менинг вазифам эмас деб, пахтакорларимизнинг қаҳрамонона ишидан ҳеч ким четда қолмаслиги лозим. Шундай қилайликки, текинхўрлар ва ғангасаларнинг оёғи куйиб, питирлаб қолсин.

Мурожаатда кўрсатиб ўтилганидек, кўп хўжаликларда мавжуд резерв ва имкониятлардан самарали фойдаланилмаётир ва ғўза тупларида юқори ҳосил олиш учун зарур миқдорда кўсаклар бўлиши таъминланмаётир. Катта-катта майдонларда ғўза ривожланишининг кечикиб қолишига тамомила барҳам берилган эмас. Шундай колхоз ва совхозлар ҳам борки, улар пахта тайёрлаш планини тўла бажаришга етадиган миқдорда ҳосил тўплаганлари йўқ. Август ойида фақат ана шундай хўжаликларда, авжи паст участкалардагина эмас, балки республикамизнинг барча экин майдонларида пахта ялпи очилгунча зўр ғайрат билан тинмай ишлаш керак. Мусобақадош Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон, Қирғизистон республикалари ва Жанубий Қозоғистон области пахтакорларининг берган қимматли маслаҳатларини августда тўла амалга ошириб, ҳамма ерда ғўзанинг бир текис ҳосил олишига эришиш лозим.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатини ҳар бир қишлоқ меҳнаткашининг онгига етказиш, Мурожаатда айтилган ҳамма вазифаларни тўла амалга ошириш чораларини кўриш, бу муҳим ҳужжатнинг аҳамиятини халққа кенг тушунтириш — партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир. Шунга эришиш кераки, Мурожаат ҳар бир бригадада кенг муҳокама қилинсин, ғўза парваришини янада кучайтириш, пахта устида август ойида ҳам июль ойидагидек қаттиқ иш олиб бориш чоралари кўрилсин.

«Агар салмоқдор кўсакларни кўпайтириш ва сақлаб қолишни истасанг, — деб алоҳида таъкидланади Мурожаатда, — **август ойида ғўзани енг шимариб парвариш қила бер, ўсишда орқада қолаётган ғўзаларни эса сентябрь ойида ҳам парвариш қил. Сарф қилинган меҳнат ҳеч қачон зое кетмайди. Илғор пахтакорларнинг кўп йиллик тажрибаси буни яққол кўрсатиб турибди. Фан ҳам буни исбот қилган».**

Сувчилар, механизаторлар, пахтакорларнинг қанотли ёрдамчилари бўлган авиаторлар, барча колхозчилар ва совхоз ишчилари ҳозирги ҳал қилувчи кунларда масъулиятни чуқур ҳис қилиб, ўз вазифаларини садоқат ва виждон билан бажаришлари, бутун ишни Мурожаатда кўрсатилганидек ташкил этишлари лозим. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари далада ишлаётганлар учун зарур бўлган ҳамма шароитларни яратиб беришлари, маданий-маиший хизматни ва оммавий-сиёсий ишларни яхши йўлга қўйишлари зарур.

Август ойини ҳам июль ойи каби мўл ҳосил тўплашда, ҳосилга-ҳосил қўшишда жанговар, зарбдор ой деб эълон қилайлик, бутун куч ва моддий-техника воситаларини ғўза парваришига тўла сафарбар этиб, республикамиз партия ва ҳукуматининг Мурожаатига пахта фронтининг ҳамма участкаларида конкрет, амалий иш билан жавоб берайлик!

ПАХТАМИЗ — БАХТИМИЗ

Элимизнинг кўрки, салмоғи, бахти,
Серҳосил, серунум, мангу дарахти,
Пахта ўлкасининг ғурури, фахри,
Инсон саховатин дарёйи наҳри
Азиз пахтакорлар, ҳорманг, бор бўлинг!
Бундан ҳам мўътабар, пойидор бўлинг!
Аввал салом бердик, алик олсангиз,
Сўнгра сўзимиз бор, қулоқ солсангиз:
Куз ҳам яқинлашди, ёз ўтиб қолди,
Жадаллаш зарурдир, вақт кетиб қолди.
Долзарб кунлари бекор ўтмасин.
Баҳорги меҳнатлар елга кетмасин.
Ҳосил деб ғайратга ғайратлар қўшиб,
Дарёдай айқириб, булоқдай жўшиб
Меҳнат қиладиган ғанимат чоғлар.
Меҳнатга зўр беринг, азиз ўртоқлар!
Меҳнат қиладиган энг яхши фурсат,
Ватанпарвар бўлсанг, ўзингни кўрсат —
Деб олтин далалар чорлар ёнига,
Меҳнат-ла шон қўшинг Ватан шонига!
Бир туп ғўзамиз ҳам бўлмасин ташна,
Вақтида сув ичиб, вақтида яшнаб
Кўсаклар тирсиллаб етилсин, пишсин,
Хирмонга барака, деб ишга тушсин
Ҳар бир соф виждонли меҳнаткаш одам!
Ҳа, ғайрат қилайлик, ғаниматдир дам!
Қанча оғир бўлса ғўзанинг юки,
Шунча яхши, дўстлар! Ҳақиқат шуки,
Граммлардан пайдо бўлади тоғлар,
Бу гап сизга аён, азиз ўртоқлар!
Тонна тонна бўлмас грамм йўқолса,
Ёмон бугунги иш эртага қолса.
Ҳозир ҳар секунд ҳам киммат, ғанимат,
Бекорга ўтмасин бебаҳо фурсат.
Бу кунларда вақтни бой берсак, кузда
Хижолат терлари ўрмалар юзда.
Ваъда бериб сўнгра лафзидан қайтган,
Кузда ҳосил бермай минг хил важ айтган
Одамларни ҳурмат қиладими халқ?!
Ёмонни яхши деб биладими халқ?
Яқин қолди терим, яқин қолди куз,
Планни ўринлаб, кузда ёруғ юз,
Ғурур билан боқиб халқнинг кўзига,
Амал қилсин дўстлар берган сўзига.
Асад — ғўзамизни ясат ойидир,
Саратон, илиқ сув — экин мойидир.
(Сумбула сувлари ерни захлатар,
Захкашлик ғўзага ғоятда хатар).
Ғўзаларни асад сувига қондир,
Бу ойнинг сувлари шакардир, қондир...
Ғўза яйраб ўссин, етилсин десак,
Тағи юмшатилсин, бўғмасин кесак.
Ёввойи ўтларни узсин трактор,
Тинмай пахтазорда сузсин трактор.
Битта ҳам шонамиз учрамай офатга,
Ем бўлмасин асло у ҳашаротга.
Турсунойчиларнинг кенгайсин сафи,
Терим машинасин беқиёс нафи —
Уқувчи ёшларни кўзлаб, машина
Теримин унутган дўстлар янглишар!
Дала шийпонлари доим бўлсин шай,
Наинки шай бўлсин, энг чиройли жой —
Ишлаганлар унда чиқарсин ҳордиқ,
Маданий шийпонлар марказга тортиқ.
Унда чой, ўчоқда олов ҳам сўнмасин,
Унда китоб, қўшиқ, палов ҳам бўлсин...
Бу сўзни атайин такрор, қайд этдик,
Ғоят муҳимликдан уни байт этдик.
Етти, саккиз кўсак бизларни бу кун —
Хотиржам қилмасин, соз бўлмас якун.
Дўл қоққан ерларда эндик янгидан,
Сел ювган ерларда тикдик янгидан.
Ҳали ёш ғўзалар учун иш керак,
Меҳнат қилиш керак, парвариш керак!
Бошқалар терласа, қақраса, ёнса,
Сен сояни топиб, шомгача ётсанг,
Бошқалар офтобда яғрини куйиб,
Далада жон чекса касбини суюб.
Кун бўйи сен юрсанг бозорма-бозор,
Бу — элнинг қалбига берганинг озор!
Ялқов — пахтазорга тушган ҳашарот,
Ялқов — муз демакдир, йўқдир ҳарорат.
Саратонда ҳам у ерни музлатар,
Ер у ёқда турсин, элни музлатар.
Инсофдан эмасдир, ахир, эй ошна,
Даламиз шижоат-кучингга ташна!
Баҳодир деҳқонлар даламизга файз,
Дала эгасидир, даламизга раис!
Аммо маъракада ҳозиру нозир,
Уроқ-машоқда йўқ, хирмонда ҳозир —
Баъзан ваъдабознинг чиқади саси,
Номлари улуғу қуруқ супраси.
Чинакам тер тўкиб ишлаётганлар,
Ғирромлик қилмасдан тишлаётганлар,
Даламизнинг асл ўғилларидир,
Меҳнаткаш халқ ўғли, юрт гулларидир.
Кўсаклар муштма-мушт ҳар туп ғўзада,
Жавоҳир тошлардай олтин кўзада.
Эртага очилур кўзалар оғзи,
Серунум ҳосилдан эл бўлур рози!
Кўкка кўтарилур зафар садоси,
Хирмонда акс этар юрт муддаоси.
Пахта ризқ-рўзимиз, ота касбимиз,
У билан чамбарчас расми-русмимиз.
Келин-келинчаклар сепи пахтадан,
Дўстлик, қон-қардошлик ипи пахтадан!
Пахта халқимизнинг миллий ғурури,
Кўз нури, қалб сўзи, кўнгил сурури...
Пахтадан яшнайди ўзбекнинг боғи,
Пахтадан Ватаннинг тинчлик байроғи!
Пахтазор кўркидан дилимиз жўшиб,
Биз меҳнат шаънига айтамиз қўшиқ.
Миллион гектарларнинг кўк денгизида,
Ҳар тупнинг шонаси ва илдизида,
Жўякда жилдираб оққан сувда ҳам,
Тоғ хирмон кўзлаган соф орзуда ҳам,
Қуёш ҳарорати, қўл маҳорати,
Зеҳн қудратию дил жасорати,
Меҳру шеъримизнинг дояси меҳнат,
Унга ихлосимиз, завқимиз беҳад!
Шундай азиз фурсат етди, пахтакор.
Ҳар бир дақиқанинг ўз хизмати бор.
Кунлар карвонининг қадрини билиб,
Порлоқ маррамизга дадил интилиб,
Кўсак салмоғига қўшайлик салмоқ,
Меҳнатдадир қудрат, парвоз, юксалмоқ!
Саратон офтоби, канал зилоли —
Шу кунлар пахтанинг қаймоғи, боли
Оташ қалбимизнинг барча қўрини,
Деҳқонлик номуси, ор, ғурурини,
Машина кучини қила олсак жам,
Бизга бўйсунажак асқар тоғлар ҳам.
Вақтни баҳоласак меҳнат тошида,
Кузги хирмонларнинг оппоқ чошида,
Момиқлар нуридан юзимиз порлар,
Бурчимиз, аҳдимиз зафарга чорлар.
Фазокор журъати, ишчи қудрати
Янглиғ шарафлидир пахта меҳнати.
Бу меҳнат мўъжиза яратар ердан,
Бу меҳнат дурдона ундирар тердан.
Бу меҳнат қадрини билар мамлакат,
Пахтакор меҳнати Ватанга қудрат!..
Партиямиз сўзи — халқимиз сўзи,
Халқнинг айтган сўзи — ақлнинг кўзи.
Жонажон партия сўзин уқайлик—
Ишимизга боғлиқ беқиёс бойлик!
Ғаллани бажардик — Ватанга ҳадя,
Эл хурсанд, ташаккур айтди партия.
Меҳнат-ла яқиндир у каттакон тўй,
Тўй бу — хуш ғалаба, тўй бу — обрўй!
Чунки, бу тўй асл пахта тўйидир,
Пахта ўлкасининг бахти-тўйидир!
Шундай байроқ бўлиб ўтади кунлар,
Уч миллион олти юз деган якунлар!
Якунки севикли партиямизнинг
Биз унинг бахтимиз, партия бизнинг!
Йигитлар кўксининг тоғлиги шундан,
Ғолиблар зафари, толеи шундан!
Ушанда ярашар юртга тўй берса,
Ярашар йигитга нима рўй берса:
Иши ҳам, дарди ҳам ярашиб кетар,
Далалар гарди ҳам ярашиб кетар.
Олтин куз — кузларнинг кузаги бўлур,
У зафар тўйининг безаги бўлур!
Уша [illegible] учун, ўша кун учун,
Шаъну шавкатимиз «оқ олтин» учун,
Уша байрам учун, ўша тўй учун,
Қалбимиз қароғи бўлган куй учун,
Ғўзалар бағридан узилмагай кўз,
Узилган ўқ бўлур деҳқон айтган сўз!
Уз сўзли йигитга, қизга офарин!
Азамат пахтакор, сизга офарин!
Шундай азиз фурсат етди, пахтакор,
Ҳар бир дақиқанинг ўз хизмати бор.
Кунлар карвонининг қадрини билиб,
Порлоқ маррамизга дадил интилиб,
Ҳосил салмоғига қўшайлик салмоқ,
Меҳнатдадир қудрат, парвоз, юксалмоқ!

Ғафур ҒУЛОМ, ЯШИН, УЙҒУН, ЗУЛФИЯ, МИРМУҲСИН, Туроб ТЎЛА, Рамз БОБОЖОН, Жуманиёз ЖАББОРОВ

СУВЧИЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ ОРТАДИ

Партия ва ҳукуматимиз бизни ҳамма вақт ютуқларга руҳлантириб келади, пахтачиликни ривожлантириш йўлидаги курашимизда нима қилиш зарурлигини ўргатади ва эслатади.

Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг республикадаги барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига Мурожаати етти йилликнинг бешинчи йилида пахта етиштириш соҳасида энг ҳал қилувчи дамларда бизга яна бир катта мадад бўлди. Бу Мурожаатдан ҳамма ўзи учун тегишли хулоса чиқариб олиши керак.

Мен 19-бригадада сувчилик қиламан. Бригадамиз бу йил ҳар гектар ердан 35 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилган. Бу вазифани муваффақиятли амалга оширишда сувчининг роли катта. Мен буни яхши англайман. Ғўзани об-тобида суғоришга, сувнинг исроф қилинишига сира йўл қўймайман. Мен сув тутган ғўзалар яхши ривожланиб, текис кўсакламоқда.

Мурожаатда август ойини ҳосил тўплашда жанговар ой деб билиб, бу ойда ғўза парваришини қизғин давом эттириш зарурлиги таъкидланган ва сувчиларнинг вазифалари алоҳида уқтирилган. Мен суғориш нормасини доим ошиғи билан бажариб келаман. Эндиликда Мурожаатга жавобан янада яхшироқ ишлайман, экинни кеча-кундуз қондириб суғориш учун бутун куч-ғайратимни сарфлайман.

А. МУСАЕВ,
Ғиждувон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Калинин номли колхоз сувчиси.

МУРОЖААТГА ЖАВОБАН

Қўрғонтепа районининг меҳнаткашлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатини зўр қизиқиш билан ўрганиб, уни ўз амалий ишлари учун дастур қилиб олдилар. Бу ҳужжат ҳозир ҳамма колхоз ва совхозларда, бригада ва звеноларда кенг муҳокама қилинмоқда. Пахтакорларимиз Мурожаатга жавобан август ойини ҳосилга-ҳосил қўшиш ойи, деб эълон қилдилар ва янги мажбуриятлар олдилар. Район колхоз ва совхозлари бу йил 28 минг 39 гектар ернинг ҳар гектаридан илгариги 25,4 центнер ўрнига 26 центнердан ҳосил кўтаришга қарор қилдилар.

Бунинг учун далаларда меҳнат янада жўш урмоқда. Пахтакорларимиз ҳар бир туп экинни агротехника қоидалари асосида парвариш қилиш, шу туфайли гул ва тугунчаларни кўпайтириш чораларини кўрмоқдалар. 7 минг гектар майдондаги ғўзаларимиз ривожланишдан орқада қолган эди. Шуни ҳисобга олиб, бу майдонлардаги экинларни август ойида 2,5 марта комплекс парвариш қилмоқчимиз. Бошқа майдонлардаги ўсимлик эса 2 марта ишланади.

Мурожаат қишлоқ меҳнаткашларининг ғайратига-ғайрат қўшиб юборди. Пахта далаларимизга қўшимча равишда яна 5 минг киши ишга чиқди. Ҳозир ғўза қатор ораларида 17,5 минг киши ишламоқда. 801 та чопиқ тракторининг қувватидан ҳам унумли фойдаланилаётир. Ривожланишдан орқада қолган майдонлардаги ғўзалар ҳозир ҳам икки томонлама культивация қилинмоқда. Гул ва тугунчаларнинг тўкилишига йўл қўймаслик учун культиваторларга ҳимоя тўсиқлари ўрнатилган. Илғор механизаторлар рағбатлантирилмоқда.

Ҳозир ўсимликни суғориш, ҳашаротга қарши кураш муҳим аҳамиятга эгадир. Ғўзани суғоришга энг тажрибали деҳқонлар ажратилган. Улар ўсимликни маромига қараб, табақалаштирилган ҳолда суғормоқдалар. Районда ҳашаротга қарши қаттиқ ўт очилган. 5 та самолёт далалар устига дори сепиб, ҳашаротни қиришда деҳқонларимизга катта ёрдам бермоқда. 213 та «ОДН» ва қўл аппаратларининг ҳаммаси ишга солинган.

Бу йил колхоз ва совхозларимизда йиғим-теримни механизациялаштиришга олға қараб катта қадам қўйилади. Етиштириладиган ҳамма ҳосилнинг тенг ярмини «зангори кема»ларда териб олиш мўлжалланганмиз. «Совой» совхози, «Партия XXII съезди», «Победа», Навоий номли колхозларда ғўза парваришини кучайтирилиши билан бирга, ҳосилни машинада теришга ҳам катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Районимиз меҳнаткашлари бу йил она-Ватанга ҳар қачонгидан мўл «оқ олтин» етказиб бериш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланадилар.

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,
Қўрғонтепа ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи.

Суратда: Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Свердлов номли колхознинг 8-бригадаси аъзолари Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаати билан танишмоқдалар. Мурожаатни колхоз ҳисобчиси Мирҳамид Нурматов ўқиб бермоқда.

И. Глауберзон фотоси.

Н. С. ХРУШЧЕВ
АҚШ қишлоқ хўжалик мутахассислари делегациясини қабул қилди

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 30 июлда Кремлда Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари ер ишлари министри О. Л. Фримэнни рафиқаси билан ва унинг бошчилигидаги АҚШ қишлоқ хўжалик мутахассислари делегацияси аъзоларини қабул қилди.

АҚШнинг СССРдаги элчиси Фой Д. Колер делегацияга ҳамроҳ бўлиб келди.

Н. С. Хрушчев билан О. Л. Фримэн ва делегация аъзолари ўртасида дўстона вазиятда ўтган суҳбат вақтида Совет Иттифоқида ва АҚШда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши масалалари юзасидан фикр олишилди.

Суҳбатда Г. И. Воронов, Л. Н. Ефремов ўртоқлар, СССР қишлоқ хўжалик министри И. П. Воловченко, Совет Иттифоқининг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин ва бошқалар ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Москва Советида учрашув

Меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Советининг Оқ залида шаҳарнинг янги районларидаги қурилишларнинг лойиҳалари, замонавий уй-жой биноларининг макетлари, лойиҳаланаётган метрополитен линияларининг чертёжлари, транспорт қатновини янгича ташкил этиш схемалари кўргазмага қўйилган. Унчалик катта бўлмаган бу виставка шаҳарни янада ривожлантириш тўғрисида ёрқин тасаввур беради.

КПСС Марказий Комитетининг Б[…]ринчи секретари, СССР Министр[…] Советининг Раиси Н. С. Хрушче[…] июлда шу виставкани келиб к[…] […]ССР […] Москва Совети ижроия ко[…] […]қу- […]нинг раиси В. Ф. Промисл[…] […]ат ко- […] Госстройи ҳузуридаги Г[…] […]нг бош […]рилиши ва архитектура[…] […], Москва […]митетининг раиси, М[…] […]ра-планлаш […] архитектори М. В. П[…] […] ўринбоса- […] Совети Бош арх[…] […] бошқармаси бошл[…] […]ри Н. Н. Уллас […] […]вани қуриш ва […]шнинг янги план- […] реконструкция[…]ергеевичга кўрса- […]ларини Ник[…] бердилар. […]тиб, тушун[…]ополитенини 1963 — […] Москва[…] ривожлантириш перс- […] 1970 йил[…] қандай бўлиши учра- […] пектив[…]да айтиб ўтилди. […]шув Сергеевич шаҳарнинг янги […] Н[…]рида метрополитен линияла- […] ра[…] районларда қурилиш бош- […] г[…] кетмасдан олдин қурила бош- […]иши лозимлигини айтди.

Сўнгра, шаҳарнинг марказида, шунингдек айрим кўчаларда транспорт қатновини янгича ташкил этишнинг бир қанча вариантлари кўриб чиқилди.

Пойтахтнинг ғарби-жанубида намунали уй-жой райони барпо қилинмоқчи. Бу районда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш прогрессив усулда ташкил этилади. Бу районда қуриладиган иморатларнинг макетлари

Н. С. ХРУШЧЕВ пойтахтни қуриш ва реконструкция қилиш планлари билан танишмоқда

янги район беш-тўққиз ва ўн олти қаватли уйлардан иборат бўлишини кўрсатиб турибди. Районнинг ўз савдо маркази, мактаблари, болалар боғчалари ва бошқа маданий-маиший муассасалари бўлади.

Н. С. Хрушчев инженер Н. Я. Козловнинг янги станида тайёрланаётган прокат панелларидан қандай фойдаланилаётганлиги билан танишиб чиқди.

Ниҳоят, Клязьма сув омбори олдида қурилаётган пансионатнинг лойиҳаси билан танишилди. Ҳозир бу қурилиш битай деб қолди. Пансионатнинг дастлабки уч корпусида ҳозир уч минг киши дам олмоқда.

Н. С. Хрушчев КПСС Москва шаҳар комитетининг, Москва Совети ижроия комитетининг раҳбар ходимлари, шаҳар архитекторлари билан суҳбатлашиб, уларга ўзининг бир қанча мулоҳазалари ва истакларини айтди. Шунингдек, у меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш тўғрисида батафсил гапирди, москваликларга пансионатларни шаҳарга яқин жойларда қуриш билангина кифояланиб қолмасдан, бошқа ажойиб хушманзара жойлардан, масалан, Украина пойтахти яқинида катта гидроэлектростанция қурилиши натижасида барпо қилинадиган «Киев денгизи» сингари жойлардан ҳам фойдаланиш керак, деб маслаҳат берди.

Н. С. Хрушчев пансионатларни кооператив асосларда қуришни, бу ишга аҳолининг маблағларини жалб қилишни тавсия этди. Минглаб меҳнаткашлар мана шундай кооперативларга, ҳеч шубҳасиз, пайчи бўлиб киришни истайдилар. Улар ва уларнинг оила аъзолари мамлакатнинг турли районларида барпо қилинадиган мана шундай пансионатларда яхши дам олишга муваффақ бўладилар.

Янги қурилаётган болалар боғчалари ва яслиларнинг биноларини тезроқ фойдаланиш учун топшириш тўғрисида Москва ташкилотларининг тузган плани суҳбатда айтиб берилди. Шу планда пойтахт меҳнаткашларининг болалар муассасаларига бўлган эҳтиёжларини тезроқ қондириш кўзда тутилган.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири В. П. Абизов, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари К. Н. Бутузова, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретарлари Н. А. Кузнецов, А. Е. Бирюков, В. Я. Павлов ва бошқалар ҳозир бўлдилар. (ТАСС.)

АНИҚ МАҚСАДНИ КЎЗЛАБ

Июнь Пленуми қарорларини амалга оширамиз!

С. РАСУЛОВ,
Фарғона саноат область партия комитетининг биринчи секретари

Фарғона саноат областининг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини мамнуният билан кутиб олдилар. Пленум материалларини ўрганишга бағишлаб ўтказилаётган суҳбатларда, доклад ва лекцияларда неча минглаб кишилар қатнашмоқдалар. Пленум қатнашчилари меҳнаткашларга ўз таассуротларини сўзлаб бермоқдалар. Доклад ва суҳбатларда область саноати ва қурилиши олдида турган вазифалар ва бу соҳада эришилаётган муваффақиятлар тўғрисида конкрет мисоллар, фактлар келтирилмоқда.

Область саноати етти йилликнинг ўтган тўрт йили ичида ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни 31,3 процент кўпайтирди. Меҳнат унумдорлиги анча ошди, маҳсулотнинг сифати яхшиланиб, таннархи бир мунча камайди. Етти йилликнинг бешинчи йили топшириқлари ҳам муваффақиятли адо этилмоқда. Ўтган олти ой мобайнида пландагидан ташқари 6 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот тайёрланди. Уй-жойларни фойдаланишга топшириш плани 109,5 процент бажарилди, 34,5 минг квадрат метр уй-жой қуриб битказилди.

Область саноат корхоналарида ва қурилишларида коммунистик меҳнат ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозир бу шонли ҳаракатда барча ишчи ва қурувчиларнинг 33 процентдан кўпроғи иштирок этмоқда. Буларнинг ҳаммаси маълум мақсадни кўзлаб олиб борилаётган ташкилотчилик ва идеология ишларининг, партия ташкилотлари давлат планларини муваффақиятли бажариш мақсадида ўз коллективларини меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш юзасидан амалга ошираётган тадбирларнинг натижасидир.

Область партия комитетининг КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини муҳокама қилишга бағишланган пленуми ишчанлик вазиятда ўтди. Унда идеология соҳасида олиб борилаётган ишлар кенг анализ қилинди, тажрибалар умумлаштирилди, юз берган камчиликлар очиб ташланди. Пленумда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ғояси ҳаётга чуқур сингиб бораётгани ҳақида кўп мисоллар келтирилди.

Қўқон суперфосфат заводини олайлик. Завод коллективи аҳил оилани эслатади. Унинг ҳар бир аъзоси «бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» деган шиор остида фидокорона меҳнат қилмоқда.

Корхона коммунистлари янгилик учун, илғор нарсаларни қўллаб-қувватлаш учун курашнинг ташаббускори бўлмоқдалар. Завод партия ташкилоти ишчи ва хизматчилар ўртасида коммунизм қурувчиси ахлоқ кодексининг принципларини пропаганда қилиш юзасидан катта иш олиб бормоқда. Коллективни коммунистик меҳнат корхонаси номини олиш учун курашга сафарбар этмоқда.

Ташкилотчилик ва идеология ишларининг ана шундай моҳирлик билан бирга қўшиб олиб борилаётганлиги, унинг маълум мақсадга қаратилганлиги партия ташкилотига ишлаб чиқаришнинг барча участкаларига ўз таъсирини кучайтириш имконини бермоқда. Завод минерал ўғитлар ишлаб чиқариш топшириқларини муттасил ошириб бажармоқда, суперфосфатнинг янги турларини ишлаб чиқариш муваффақиятли ўзлаштирилмоқда.

<> <>

Бироқ бизда жонли, ижодий ишни ташкилотчилик иши билан, қабул қилинган қарорларнинг ижросини текшириш билан бирга қўшиб олиб бормаётган партия ташкилотлари ҳам йўқ эмас. Одатда улар олиб бораётган тарбиявий иш корхона олдида турган конкрет вазифалар билан маҳкам боғланмайди. Натижада давлат планлари ва олинган социалистик мажбуриятлар кўпинча бажарилмай қолаверади. Қўқон мебель фабрикаси партия ташкилотининг иши шундай дейиш мумкин. Бу ерда ишчилар ўртасида меҳнат интизоми бўш, меҳнат унумдорлиги паст. Корхонада 1963 йилнинг биринчи ярмида меҳнат унумдорлигини ошириш плани атиги 72 процент бажарилди. Қўқон қурилиш материаллари заводи ва «Атлас» фирмасида ҳам аҳвол шундай.

Меҳнаткашларни ва айниқса ёшларни юксак коммунистик онглилик руҳида тарбиялаш, ҳар бир кишида илмий дунёқарашни шакллантириш ҳақида ғамхўрлик қилиш — партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир. Мактаблар, олий ўқув юртлари, сиёсий маориф системаси бу соҳада катта роль ўйнаши лозим.

Ўтган ўқув йилида 52 минг киши, шу жумладан 30 минг партиясиз сиёсий ўқишнинг турли соҳаларига жалб этилди. Айрим корхоналарда сиёсий ўқишни умумий ва профессионал билим олиш билан бирга қўшиб олиб бориш методи жорий қилинмоқда. Коммунистик меҳнат мактабларида худди ана шундай қилинмоқда. Марғилон шойи комбинатида пишитувчи-автоматчи Кукушкина, Острикова, Тошпўлатов, Кигелларнинг методини ўрганиш мактаби ишлаб турибди. Пишитувчи Евгения Кигель ишнинг аниқ ва тезкор усулини қўлланиш ҳисобига узилган ипни улашга кетадиган вақтни кескин камайтиришга муваффақ бўлди. У ипни улашга нормадаги 30 ўрнига 17 секунд вақт сарфламоқда. Агар ҳар бир пишитувчи ана шу новаторнинг методи асосида ишласа, фақат 2-пишитув цехида бир йил мобайнида қўшимча равишда 3 тоннага яқин ипак тайёрлаш мумкин. Коммунистик меҳнат мактаби шу каби илғор усулларни кенг ёйишга мўлжалланган.

Партия ташкилотлари пропаганданинг янги усул ва методларини такомиллаштираётирлар, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг янги формаларини изламоқдалар. Бизда иқтисодий ва назарий конференциялар ўтказиш кенг тус олди. Айниқса Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Қувасой цемент комбинати, Марғилон шойи комбинати ва бошқа корхоналарнинг партия ташкилотлари ана шундай конференцияларни системали ўтказмоқдалар. Марғилон шаҳридаги корхоналарда «Коммунизм ер юзида барча халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодат барқарор қилади», «КПСС — коммунизм бинокори» темаларидаги назарий конференциялар қизиқарли ўтди.

Фарғона шаҳар партия комитети корхоналарда мамлакатнинг халқаро ва ички ҳаёти масалаларига, иқтисодий проблемаларга, илмий атеизмга бағишлаб лекторлар кунларини ўтказмоқда. Жумладан, яқинда лекторларнинг катта группаси Қувасой посёлкасига бориб, цемент комбинатининг ва ГРЭСнинг цехларида ва бўлимларида эскилик қолдиқларига қарши кураш, болаларни тарбиялашда оиланинг роли ва бошқа темаларда 30 дан ортиқ лекция ўқидилар. Улар «Одам ҳар жиҳатдан кўркам бўлиши керак» темасида ўтказилган ёшлар кечасида иштирок этдилар. Марғилон шаҳар партия комитети Ленин жумаликлари ўтказмоқда. 12 июлда ўтказилган навбатдаги жумаликда раҳбар ходимлардан 40 киши корхоналарда, маҳаллаларда КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми материаллари ҳақида суҳбатлар ўтказдилар, меҳнаткашларнинг саволларига жавоб бердилар.

Биз идеология ишидаги айрим ижобий томонларни кўрсатиш билан бирга, ҳали бу соҳада мавжуд бўлган катта камчиликлардан кўз юммаймиз. Областда ўтмиш сарқитларидан халос бўлмаган кишилар йўқ эмас. Айниқса ёшларимизнинг бир қисми эскилик урф-одатларига риоя қилаётганлиги партия ташкилотларини жиддий равишда ташвишлантирмоқда.

Ёшлар — бизнинг келажагимиз. Кўпгина ёш ишчилар ва мутахассислар виждонан меҳнат қилмоқдалар, билимларни кунт билан эгалламоқдалар, ўз малакаларини ошириш устида ҳормай-толмай ишламоқдалар. Аммо биз ёшларнинг айрим қисми ўртасида текинхўрлик, ўз бурчига енгилтаклик билан муносабатда бўлиш, коммунистик ахлоқ нормаларига риоя қилмаслик каби жамиятимизга ёт бўлган ҳолатларга тўла барҳам берганмиз, деб айтолмаймиз. Шу сабабли ёшлар ўртасида ғоявий-тарбиявий ишни ҳар тарафлама кучайтириш, унинг хилма-хил форма ва методларидан фойдаланиш, уларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг савиясини оширишга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Айрим ҳолларда партия ташкилотлари олиб бораётган ғоявий-тарбиявий ишда кўзланган мақсадга эришилмаётир. Тарбиявий иш кенг кўламда ва хилма-хил формаларда олиб борилаётганлигига қарамай, айрим кишилар, ҳатто аҳолининг бутун-бутун группалари эътибордан четда қолмоқда. Шунингдек, эскилик сарқити кўринишларидан бири бўлган хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлишга қарши кураш айрим ҳолларда жанговар, ҳужумкорлик характерида бўлмаётир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII пленумида областимиз партия ташкилотларининг хотин-қизлар томонидан паранжи ёпиниш каби шармандали ҳолга барҳам бермаганлиги жуда тўғри танқид қилинди. Биз бундан тегишли хулоса чиқариб олдик ва ана шу жиддий нуқсонга барҳам бериш юзасидан амалий чоралар кўрмоқдамиз.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорлари билан қуролланган Фарғона саноат область партия ташкилоти меҳнаткашларни тарбиялаш ишини ҳозирги давр талаблари даражасига кўтариш учун барча зарур чораларни кўради. Бунда асосий эътибор ташкилотчилик ва идеология ишларининг бирлигини, мустаҳкам алоқасини таъминлаш асосида етти йиллик план топшириқларини барча кўрсаткичлар бўйича муддатидан илгари бажаришни таъминлашга қаратилади.



Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Полимерлар химияси институтида муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Суратда: доцент И. Комилов шогирдлари билан фармакология лабораториясида.

А. Тўраев фотоси.

БОДАЙ ҚЎРИҒИ ЎРНИДА

Иштихон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Халқобод» колхози правлениеси қурилиш ва ободончилик ишларига катта эътибор бермоқда.

— Ота-боболаримиз инсоннинг қўли гул деб бежиз айтмаганлар,— дейди колхоз раиси ўртоқ Мўрон Жўраев, — бундан икки-уч йил илгари бу ерларга экин экиш мас эди. Энди-чи? Бўз ерлардан асар ҳам қолмади. Колхозчиларимиз қўриқни боғу бўстонга, пахтазорга айлантирмоқда.

Халқободликлар сўнгги йилларда колхоз территориясидаги фойдаланилмаётган қўриқ ерлардан 150 гектарини ўзлаштирдилар. Айниқса, Бодай қўриғи ўрнида қад кўтарган правление биноси, дала шийпони, марказий ошхона, чойхона, радиоузел, ёзги кинотеатр, ҳаммом, трактор ва автомобиль парки бинолари янги қишлоқ ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

З. СОЛИХОНОВ.

ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

ИЖТИМОИЙ ФАНГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

Коммунистик қурилиш практикасини ўрганиш ва уни назарий жиҳатдан умумлаштириш КПСС XXII съезди томонидан ижтимоий фан олдига қўйилган муҳим вазифалардан биридир. Бу соҳада юридик фанлар кандидати А. Аъзамхўжаевнинг ўтган йили Ўзбекистон Давлат нашриёти томонидан рус тилида босиб чиқарилган «Кўп миллатли Совет давлати»[1] китоби диққатга сазовордир.

Китобда кўп миллатли Совет давлатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи чуқур таҳлил қилинган. Автор ўзининг фикр ва хулосаларини Владимир Ильич Ленин асарлари, партия съездлари ва конференцияларининг резолюциялари, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг тарихий қарорлари асосида баён қилган. Китобнинг қиммати шундаки, у архив материаллари ҳамда совет воқелигидан, кундалик турмушимиздан олинган қизиқарли факт ва мисолларга бойдир.

Китоб асосан СССР составидаги тенг ҳуқуқли республикалардан бири — Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилади. Автор В. И. Лениннинг Октябрь революциясига қадар ёзган бир қанча асарларини чуқур ўрганиб, доҳийнинг федерация масаласига оид қарашларининг аҳамиятига тўхталиш билан бирга, В. И. Лениннинг Россияда пролетар революцияси ғалаба қозонгач, миллий масалани узил-кесил ҳал этишга жуда катта аҳамият бериб, чор самодержавиеси зулми остида яшаган халқлар учун социалистик федерация чинакам озодлик ва тараққиёт йўли деган доҳиёна хулосасини ҳаёт тўла тасдиқлаганлигини жуда кўп мисоллар асосида таҳлил қилган. Мамлакатимиздаги барча халқларнинг ихтиёрийлик ва тенг ҳуқуқлилик асосида бирлаштирган совет федерацияси кўп миллатли давлат ҳақидаги ленинча таълимотнинг самараси бўлди.

Китобда Россия Федерацияси, сўнгра эса Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини тузиш, мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришда доҳийнинг бевосита жонбозлик қилганини кўрсатувчи ажойиб далилларга бой саҳифалар бор. Шунингдек, китобда Совет Ўрта Осиёсидаги кун сайин равнақ топаётган миллий давлатлар Улуғ Октябрь революцияси туфайли. КПСС ва биринчи совет федерацияси — РСФСР туфайли вужудга келганлиги тўла асослаб берилган.

Ҳозирга қадар революциянинг биринчи беш йили мобайнида, яъни СССР ташкил этилмасдан олдин совет республикалари ўртасидаги муносабатлар масаласи кенг ёритилмаган эди. Автор ана шу масалани чуқур ўрганиб, илмий жиҳатдан тўғри асослаб берган ҳамда РСФСР билан бошқа совет социалистик республикалари ўртасидаги федератив муносабатни ёрқин акс эттирган.

В. И. Ленин Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини қандай принциплар асосида тузиш масаласини илмий жиҳатдан асослаб берди. Автор ана шу ленинча ғоянинг порлоқ ғалабасини жонли мисоллар орқали кўрсатиб берган.

Китобнинг СССР ва иттифоқчи республикаларнинг ягона суверенитети, иттифоқчи республикаларнинг тобора кенгайиб бораётган ҳуқуқларини баён этишга бағишланган қисми ҳам бой материаллар асосида ёритилган. Автор Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ҳар бир иттифоқчи республиканинг тобора гуллаб-яшнаши учун катта ғамхўрлик қилаётганлигини Ўзбекистон мисолида ёрқин гавдалантирган. Китобнинг Совет Ўзбекистонининг суверенитети, унинг СССР билан ҳар томонлама алоқаси ҳамда бошқа қардош республикалар билан ҳамкорлиги ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораётганлигини кўрсатувчи саҳифаларини ҳаяжон билан ўқийди, киши.

Китоб мазмунли, илмий хулосаларга бой. Шу билан бирга у айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Чунончи, унда коммунистик жамиятда федерациянинг тақдири ҳақидаги масалага етарли эътибор берилмай, федерация «...эҳтимол Совет давлатидан олдинроқ барҳам топар» деган жуда юзаки хулоса баён қилинган. Ваҳолонки, бу масалани чуқур илмий асослаб бериш лозим эди. Бизнингча, китобга Совет Иттифоқи ва унинг миллий республикалари ҳақида сурбетларча туҳмат ва бўхтонлар тарқатаётган ҳозирги буржуа тарихни сохталаштирувчиларини фош этувчи алоҳида боб қўшилганда асарнинг қиммати янада ошган бўлур эди. Шунингдек, китобда ноаниқ, стилистик жиҳатдан таҳририга муҳтож ўринлар учрайди. СССР Олий суди назорат ҳуқуқларининг сабаби ва шартларини баён қилишда ҳам ноаниқликка йўл қўйилган.

Ҳ. ВОҲИДОВ,
И. СТЕРНИК,
юридик фанлар кандидатлари.

1) А. Аъзамхўжаев. Советское многонациональное государство. Ўзбекистон Давлат нашриёти. 1962 йил.

Хатлардан сатрлар

Иштихон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Партия XXII съезди» колхози территориясидаги ички йўлларга тош, шағал ва асфальт ётқизилиб, кузги йиғим-терим мавсумига шайлаб қўйилди.

М. Мардиев.

Ғузор. «1 Май» колхози электр нури, радио ва телефон точкалари билан тўла таъминланган. Яқинда колхознинг Отқамар қишлоғига тоғ чашмасидан бетон қувурлар орқали зилол сув келтирилди.

Ж. Амирқулов.

Учқўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ильич номли колхозда 50 ўринли касалхона, 5 та типовой дала шийпони, 2 та чойхона, 25 болага мўлжалланган ясли биноси, автогараж қурилди.

Ҳ. Жамбулов.

Қува бошқармасига қарашли «Коммунизм» колхозининг машъал звено бошлиғи Малика Абдураҳмонова Намуна қишлоқ Советига раис қилиб сайлангач, қишлоқ Совети илғорлар қаторига чиқди ва район ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлди.

Ф. Абдуллаев.

Мўйноқ районидаги Урга посёлкасининг қиёфаси кун сайин ўзгариб бормоқда. Кейинги вақтда бу ерда ўн бир йиллик мактаб, касалхона, кутубхона, маданият уйи ва бошқа маданий-маиший бинолар қад кўтарди.

И. Мадгазин.

Термиз бошқармаси. Ленин номли колхоздаги 17-магазин харидорларга сотувчисиз хизмат кўрсата бошлади.

А. Ботиров.

Бухоро район алоқа бўлимининг почтальони Ражаб Нуруллаев бир касбда йигирма етти йилдан буён ҳалол меҳнат қилиб, меҳнаткашларнинг ҳурматига сазовор бўлиб келмоқда.

М. Амриллаев.

Ленинград бошқармасидаги «Пахтакор» колхози территориясида гидроэлектростанция қурилиб, фойдаланишга топширилди.

А. Орифов.

ФОЙДАЛАНИЛМАЁТГАН ЎҒИТ КОНЛАРИ

ФАН ЮТУҚЛАРИ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Химия фанининг халқ хўжалигимизни ривожлантириш, мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришдаги роли беқиёс каттадир. Шунинг учун партия ва ҳукуматимиз мамлакатимизда химия фани ва химия саноатини янада ривожлантириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар.

1964—1965 йиллар учун халқ хўжалиги планлари тузилганда, химия саноатини ҳар томонлама ривожлантиришга, қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан тўлароқ таъминлашга алоҳида аҳамият берилган. Шу жиҳатдан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳ. М. Абдуллаев номидаги геология институти чўкма фойдали қазилмалар лабораториясининг коллективи олиб бораётган ишлар ва қилинган илмий таклифлар эътиборга сазовордир.

Институтда деярли 10 йилдан буён калий тузларининг конлари ўрганиб келинмоқда. Ўзбекистон ва Туркманистон геология бошқармалари билан ҳамкорликда институт олимлари Ўрта Осиёдаги икки йирик калий тузлари конини топишга ёрдам бердилар. Бундан ташқари институт олимлари бундай туз конининг мумкин бўлган 20 га яқин конларини аниқлаб айтиб бердилар. Бунга қадарли иттифоқимизда калий тузлари конлари жойлашган ва қишлоқ хўжалигини калий ўғитлари билан таъминлашга қодир бўлган 4 та йирик район (Прикарпат, Белоруссия, Соликамск ва Актюбинск) бўлса, эндиликда бунга Ҳисор тоғларининг жануби-ғарбий қисмидаги калийли конлар районини ҳам қўшилди. Бу конлар Ўрта Осиё республикалари учун калийли ўғитлар етказиб беришга қодирдир.

Пахта ҳосилдорлигини оширишга фосфор ва азот ўғитлари билан бир қаторда калийли ўғитлар ҳам яхши ёрдам беради. Шунинг учун республикамизга жуда кўп калийли ўғит ташиб келтирилмоқда. 1965 йил учун 315 минг тонна бундай ўғит ташиб келтириш планлаштирилган. Аммо калийли ўғитга бўлган эҳтиёж ҳали тўла қондирилмаётир.

КПСС Марказий Комитетининг 1962 йил март Пленуми қишлоқ хўжалигида минерал ўғитларга етарли аҳамият бермаслик ҳосилдорликни оширишга катта тўсқинлик қилганлиги кўрсатиб ўтилган. Пленумда ўт далали алмашлаб экиш каби колок система қаттиқ қораланиб, қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлардан кенг фойдаланиш ва ўз навбатида ўғит саноатини кенгайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўрта Осиёда фосфорли ўғитлар жанубий Қозоғистондаги Қоракатус конидан олинадиган фосфоритлардан ишлаб чиқарилади. Азотли ўғитлар эса Чирчиқ химия комбинатида олинади. Тез орада Фарғона водийсидаги электрохимия комбинатида ҳам азотли ўғитлар тайёрлана бошлайди. Аммо Ўрта Осиёда калийли ўғитлар олиш масаласида ҳеч қандай иш қилинмаётир. Зарур бўлган калийли ўғитларни эса минглаб километр жойдан ташиб келтириш мўлжалланмоқда. СССР Министрлар Совети қошидаги Химия давлат комитети Ўзбекистон ва бошқа Ўрта Осиё республикаларини Актюбинск областидаги Желандие калий тузлари кони ҳисобидан таъминламоқчи. Бунга гўё суғориладиган майдонлар тупроқларининг шўрлиги сабабли Ўрта Осиё республикаларининг пахта далаларига хлорли калий эмас, олтингугуртли калий зарур деган фикр асос қилиб олинмоқда. Желандие калий тузи кони таркибида олтингугуртли калийдан ташқари олтингугуртли магний ва кальций — полигалит ҳам бор. Академик Д. И. Шчербаков худди ана шу фикрни олдинга сурмоқда. Ўрта Осиё калий тузи конларини эътиборга олмаётир шекилли. Ҳолбуки, 1500-1800 километр масофадан таркибида калий оз бўлган тузни ташиш мақсадга мувофиқ эмас. Бундан ташқари калийли ўғит билан биргаликда Ўрта Осиё пахта далаларининг тупроқларида керагидан ортиқча бўлган олтингугуртли магний ва олтингугуртли кальцийни ташиб келтириш фойдали деб бўлмайди. Бунинг устига олтингугуртли магний ғўзага ёмон таъсир кўрсатади. Демак, бизнингча, Ўрта Осиёга калий ўғити сифатида полигалитни ташиб келтириш тўғри эмас. Агар Ўзбекистон ва бошқа Ўрта Осиё республикаларида калий тузлари конлари бўлмаганда эди, бунга рози бўлиш мумкин бўларди. Ҳолбуки, Ҳисорнинг жануби-ғарбий тармоқларида 2 та йирик кон бор ва қазиб олиниши мумкин бўлган 20 кон аникланган. Ўрта Осиё республикаларига ана шу конларнинг калийли ўғитларидан фойдаланиш кун тартибига қўйилмоқда.

Қашқадарё водийсида янги ерларни ўзлаштириш ва Таллимарон сув омборининг қурилиши муносабати билан Тюбегатан калийли туз конидан фойдаланиш қулай бўлиб қолди. Бу кон Таллимарон сув омборининг қирғоқларидан 30-35 километр масофада, холос. Туркманистондаги Гавурдак кони эса Мукра станциясидан атиги 4-5 километр масофага жойлашган.

Энди, Ўзбекистоннинг суғориладиган ерлари учун хлорли калий фойдалироқми ёки олтингугуртли калийми деган саволга келганимизда, пахта учун фақат олтингугуртли калий қўлланилиши керак деган тушунча эскириб қолди. Бу фикр калийли ўғитнинг фосфор ва азот ўғитлари билан комплекс қўлланилишини ҳисобга олмаган ва суғоришнинг примитив схемасига асосланилган пайтда айтилган эди. Бундай ҳолатда ерларни шўр босиши осон эди. Ҳозирги пайтда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати бутунлай бошқача. Фарғона водийсида, Мирзачўлда ва Амударёнинг қуйи қисмларида кучли зовур тармоқлари барпо этилган, каналларга сувнинг ерга сизиб кетишини камайтиришга доир тадбирлар амалга оширилмоқда. Буларнинг ҳаммаси тупроқнинг шўрланишига қарши қаратилган. Бундай шароитда тупроққа олтингугуртли калий солиш зарурати қолмайди, балки ҳар гектар ерни 100-150 килограмм оддий хлорли калий билан ўғитлаш кифоя қилади. Шу ҳисоб асосида республикамизнинг 2 миллион гектар суғориладиган майдонлари ва Қашқадарё водийси, Мирзачўл ва Амударёнинг қуйи қисмларида очилаётган 2 миллион гектар янги ерлар учун 400-600 минг тонна калийли ўғит зарурлигини ҳисоблаб чиқиш мумкин. Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар учун ҳам 100-200 минг тонна ўғит зарурлигини назарда тутсак, калийли ўғитга умумий эҳтиёж 500-800 минг тонна эканлиги билинади. Бунча калий тузларини Тюбегатан ёки Гавурдак конларидан олиш мумкин.

Ана шуларни назарда тутиб, бешинчи Ўрта Осиё калийли районни пахтачиликнинг калий ўғитларига бўлган эҳтиёжини бемалол қондира олади, деб ўйлаймиз. Бунинг учун СССР Госплани ва СССР Министрлар Совети қошидаги Химия давлат комитети калийли ўғитлар ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришда Ўзбекистон ва Туркманистонда ҳам калий тузлари конлари борлигини эътиборга олиши лозим. Шунингдек, суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатининг яхшиланиши натижасида ғўза учун олтингугуртли эмас, балки хлорли калий талаб қилинишини ҳам назарда тутмоқ керак. СССР Госплани ва Химия давлат комитети шуни ҳам эътиборда тутиши лозимки, калийли ўғитлар ҳосилдорликни ҳар гектарига 4-6 центнер оширишидан ташқари ғўза тупларини бақувват қилади (бу, ғўзани механизация ёрдамида парвариш қилишда ва ҳосилни йиғиб-териб олишда муҳим аҳамиятга эгадир), пахтани тезроқ етилтиришга ёрдам беради.

Шуларни назарда тутган ҳолда биз калийли ўғитлардан фойдаланиш ва Ўзбекистоннинг жанубида ёки Туркманистоннинг шарқий қисмида калийли ўғитлар ишлаб чиқарадиган тоғ рудаси химия комбинати барпо этиш проблемаларини тездан ҳал қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Н. П. ПЕТРОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. М. Абдуллаев номидаги геология институтининг илмий ходими, геология-минералогия фанлари кандидати.



ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Чорвоқ гидроузели қурилиши кундан-кунга авж олмоқда. Қурилиш қудратли машина-механизмлар билан таъминланиб, иш суръати ошиб бормоқда. Суратда: ташлама канал қурилишида.

Б. Никонов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

«Қизил Ўзбекистон»да босилгандан кейин

ОЗОДАЛИК — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Китоб посёлкаси Сурхондарё областининг гўзал, озода ва обод жойларидан бири эди. Лекин, кейинги вақтларда маҳаллий совет ва хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари посёлкани қаровсиз ҳолга ташлаб қўйдилар. Кўчалар, ариқлар ифлос, хиёбонлар супурилиб, сув сепиб турилмайди.

«Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган танқидий материалда ана шу камчиликлар очиб ташланган эди. Меҳнаткашлар депутатлари Шаҳрисабз район Совети ижроия комитетидан олинган жавобда бундай дейилади:

Мақола район ижроия комитетининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилиниб, унда келтирилган фактлар тўғри топилди. Посёлка Совети уй-жой бошқармасининг бошлиғи Ғаниев ишдан олинди. Китоб сельпоси умумий овқатланиш бўлимининг мудири Гринбергга виговор эълон қилинди.

Район коммунал хўжалик бўлими ва санитария-эпидемия станцияси ходимлари ўз вазифасига совуққонлик билан қаранганликлари кўрсатиб ўтилди, йўл қўйилган камчиликларни тезда бартараф этиш улар зиммасига юклатилди.

ГУЛ ВА КЎСАК

ОЛИМЛАР МАСЛАҲАТИ

Ўзбекистон ва бошқа пахтакор республикаларнинг шароитида пахтанинг эрта пишиши катта халқ хўжалик аҳамиятига эгадир. Июнь ва июль ойлари ҳамда августнинг бошларида пайдо бўлган кўсак сентябрь ойида очилиб, у тез ва сифатли йиғиштириб олинади. Ундан кейинги кўсаклар эса ноябрь, декабрь ойларига қолиб кетади. Бунинг натижасида маҳсулот таннархи қимматлашиб, толанинг сифати кескин пасайиб кетади ва шу тариқа пахтачиликка катта зарар етказилади.

Пахтанинг кеч пишиши — йиғим-терим ишларини тўла механизациялаштиришга ҳам катта тўсиқ бўлмоқда. Шу сабабли эрта пишар навларни топиш ҳозирги кунда пахтачиликдаги биринчи даражали проблемалардан бўлиб қолмоқда. Бунинг учун қисқа муддат ичида пахтанинг тез пишадиган навларини топиш, унга қулай агротехника тадбирларини ишлаб чиқиш зарур.

Маълумки, ғўза бутун вегетация даврида тўғри парвариш қилишни талаб этади. Май ва июнь ойларида ғўза парваришида йўл қўйилган хатони кейинчалик тузатиш қийин. Айниқса июль ва август ойлари мўл ҳосил учун курашда муҳим давр ҳисобланиб, мажбуриятларнинг бажарилиш тақдири шунга боғлиқдир. Пахтакорларимиз она-Ватанга 3 миллион 566 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун ёзнинг ҳар бир дақиқасидан яхши фойдаланишлари, ҳар бир кўсак ва гулни сақлаб қолиш чораларини кўришлари керак.

Ғўзани фан ютуқлари ва илғорлар тажрибаси асосида парвариш қилиш учун пахтакорларимиз ғўза биологияси билан ҳам таниш бўлишлари керак. Шу сабабли қишлоқ хўжалик ходимлари, агрономлар ва бригадирлар пахтачилик назариясини, ғўзанинг биологик ривожланиш хусусиятларини ўрганиб олишлари зарур. Бу билимларни эгалламасдан туриб ғўза парваришини тўғри олиб бориш мумкин эмас. Бу мақолада биз асосан гул ва ҳосил тугунчалари, унинг ривожланиш фазалари ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Ўзбекистон шароитида июнь ойининг учинчи ўн кунлигида ғўза гуллай бошлайди. Гуллар сони август ойигача кўпайиб бориб, сўнг гуллар сўла бошлайди. Агар июнь ойида пайдо бўлган кўсаклар сентябрь ойида очила бошласа, августнинг биринчи ярмида пайдо бўлган кўсаклар октябрь ойида пишади. Август ойининг иккинчи ярмида пайдо бўлган кўсаклар эса кеч куз ва қишнинг бошидаги совуқ кунларга қолиб кетади. Натижада тола сифати бузилиб, чигитдаги ёғ миқдори камайиб кетади. Шу сабабли пахтакорларимиз энг қимматли кўсак — июнь, июль ойларида пайдо бўлган кўсакни сақлаб қолишга катта эътибор беришлари керак.

Ғўзанинг гуллаши шоналаш ва кўсакларнинг очилишидек маълум бир умумий қонуниятга бўйсунади. Ўсимлик гуллагандан кейин биринчи ҳосил шохининг биринчи ўрнида (симподия) ғунча пайдо бўла бошлайди. Шундан сўнг иккинчи симподиянинг биринчи ўрнида, сўнг учинчи симподиянинг биринчи жойида гул пайдо бўла бошлайди.

Шундан сўнг иккинчи конусдаги ғунча гуллай бошлайди. Биринчи симподиядаги иккинчи гул тўртинчи симподиядаги биринчи гул билан баравар очилади. Иккинчи симподиядаги иккинчи гул эса бешинчи симподиядаги биринчи гул билан бир вақтда очилади. Умуман олганда иккинчи конусда гуллаш даври икки ҳафтагача давом этади. Учинчи конусда эса гуллаш даври учинчи ҳафтанинг охиригача давом этади.

Бир-бирига яқин жойлашган симподиялардаги гулларнинг очилиши 1-3 кунга тенг бўлиб, бунга ҳавонинг ҳарорати, ғўза навларининг биологик хусусиятлари ҳам таъсир этади.

Пахтакорларимиз ҳамма шохлар ҳам гуллайвермаслиги ва ҳамма гуллардан ҳам кўсак пайдо бўлавермаслигини яхши биладилар. Шона ва тугунчаларнинг кўп қисми тўкилиб кетади. Тугунчаларнинг тўкилиши уруғнинг сортларига боғлиқдир. Асосий шохлардан четда бўлган ва ўсимликнинг учида жойлашган тугунчалар кўпроқ тўкилади. Кўсакларнинг энг кўпи дастлабки уч конусда жойлашади. Тўртинчи ва бешинчи конусларда эса асосан биринчи ва иккинчи ўринлардаги кўсаклар бўлади. Бешинчи конусдан юқорида эса фақат биринчи ўриндаги кўсаклар сақланиб қолиб, қолган ҳосил тугунчалари тўкилиб кетади.

Текширишлар шуни кўрсатдики, ҳосил тугунчалари асосан ўсимлик ердан ва ҳаводан яхши озиқланмаганда тўкила бошлайди. Ғўза гуллаш даврида агротехника қоидалари бузилса, тугунчалар жуда тез тўкилади.

Ғўза баргининг тўкилишига бир қатор сабаблар борлигини илғор пахтакорлар ва олимларнинг тажрибаси кўрсатиб турибди. Айниқса суғориш режимининг бузилиши бунга катта таъсир кўрсатади. Ғўза қўллатиб суғорилса ёки чанқатиб қўйилса, гул ва тугунчаларини кўплаб тўкиб юборади. Ўсимлик гуллаш пайтида ўз вақтида суғорилмаса, у минерал ўғитлардан нормал фойдалана олмайди. Оқибатда ўсимлик япроқларида фотосинтез кучсизланади, тугунча ва гуллар тўкилиб кетади.

Далаларни бостириб суғориш ҳам зарарлидир. Ўсимлик қўллатиб суғорилганда унинг тупроқнинг устки қатламларидаги томирлари тез ривожланиб, қатор ораларини ишлаш пайтида у шикастланади.

Ҳосил тугунчаларининг тўкилиб кетишига йўл қўймаслик учун ўсимликни азот ва фосфор ўғитлари билан озиқлантириб туриш зарур. Ўсимлик ўзига керакли фосфор ўғитларини олиб турса тез ривожланади, мўл ҳосил тугади, тугунчаларини тўкиб юбормайди. Ғўза ёшлик пайтида фосфор ўғитларига муҳтож бўлса, у гуллаш ва кўсак тугиш пайтида ҳам бу ўғитни кўп талаб қилади. Чунки ҳосил тугунчаларининг составига кўп миқдорда фосфор моддаси ҳам киради. Ўсимликда фосфор моддасининг етишмаслиги оқибатида кўплаб ҳосил тугунчалари тўкилиб кетади, кўсак кеч етилади ва чигит сифатсиз бўлади. Бу пайтда ўсимликнинг азот моддаларига бўлган талаби ҳам ошади. Лекин ғўзани азот моддаси билан ҳаддан ташқари кўп озиқлантириш ҳам зарарлидир. Чунки азот ўғитлари кўп солинса ўсимлик фосфордан яхши баҳраманд бўла олмайди, ғўзанинг ғовлаб кетиши, баргларининг қалинлашиши юз беради. Бу ҳол ҳам ўсимликнинг пастки қисмларида фотосинтезнинг сусайишига ва қимматли тугунчаларнинг тўкилиб кетишига сабаб бўлади.

Маълумки, ўсимлик қуёш энергияси ёрдамида ҳаводаги кўмир аччимини ўзлаштириши натижасида фотосинтез пайдо бўлади. Ҳавода кўмир аччими миқдорини кўпайтириш учун ўсимлик гуллаган пайтда тупроққа ярим чириган гўнг солиш фойдалидир. Бу ғўзанинг ҳаводан озиқланадиган қатламида кўмир аччимининг кўпайишига ёрдам беради. Шунингдек бу пайтда тупроқни юмшоқ ҳолда тутиш ҳам ўсимликнинг нормал ривожланишига имкон беради. Тупроқ юмшоқ бўлса, ҳаво унга яхши сингади, микроорганизмларнинг яшаши учун қулай имконият вужудга келади.

Ўтказилган илмий текшириш натижалари шуни кўрсатдики, қуёш нурларининг етишмаслиги ҳам ҳосил тугунчаларининг тўкилишига салбий таъсир кўрсатади. Ёруғлик етишмаган жойларда япроқнинг иш қобилияти пасаяди, ўсимлик ўзига керакли озуқаларни, айниқса шакар моддаларини етарли миқдорда ола олмайди. Бу эса ҳосил тугунчалари ва шохчаларининг тўкилиб кетишига сабаб бўлади. Агар ўсимлик гуллаш даврида 2-3 кун ёруғлик билан таъминланмаса, ҳосил тугунчаларини бутунлай тўкиб юбориши ҳам мумкин.

Бу мисоллар шуни кўрсатадики, ўсимликнинг ҳаводан озиқланиши уни илдиздан озиқлантиришдек муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун барча агротехника тадбирларини амалга ошириб, ўсимликнинг қуёш нурларидан тўла баҳраманд бўлиши чораларини кўриш зарур.

Ғўзанинг вегетация даври кеч кузгача, яъни изғиринлар бошланадиган кунларгача давом этади. Пахтанинг эртапишар «С-4727», «С-8230», «С-3506» каби навлари шимолий зоналар учун жуда мос бўлиб, августнинг охири ва сентябрнинг бошларидаёқ бу навдаги ўсимликларнинг вегетация даври тугайди. Ўрта пишар «108-Ф», «150-Ф», «152-Ф» навлари эса энг яхши агротехника тадбирлари асосида парвариш қилинганда ҳам унинг гуллаш ва ҳосил тугиш даври чўзилиб кетади. Бу навдаги ғўзаларнинг вегетация даврини тўхтатиш учун ўсимликни чеканка қилиш зарур бўлади. Ўсимлик маълум миқдордаги гул ва тугунчаларга эга бўлгандан сўнг ундаги эрта пишадиган ҳосил тугунчаларини сақлаб қолиш мақсадида маълум бир вақтда чеканка қилинади. Чеканка қилиш — ўсимликнинг юқори қисмларидаги ривожланадиган шохчаларини чилпиб ташлашдан иборат. Шундай қилинганда озуқа моддалари ўсимликнинг ҳосил тугунчаларига тарқалади. Чеканка қилинмаган майдонларда эса озуқа моддалари ўсимликнинг гул ва тугунчаларига эмас, балки ривожланишда бўлган шохларига тарқалади. Ҳар туп ўсимликда камида 20 тадан ҳосил тугунчалари пайдо бўлгандагина уни чеканка қилиш керак. Бу ишда машиналардан кенг фойдаланиш зарур.

Шундай қилиб ҳосил тугунчаларининг тўкилишига йўл қўймаслик учун ҳамма агротехника тадбирларини — суғориш, озиқлантириш, қатор ораларини ишлашни Мурожаатга асосан тўғри ўтказиш, август ойида ҳам ғўза парваришини бўшаштирмаслик керак. Пахтакорларимиз айниқса июнь ва июль ойларида пайдо бўлган кўсакларни сақлаб қолишга ҳаракат қилишлари керак. Ҳосилнинг тақдири ана шунга боғлиқ.

А. Д. ДАДАБОЕВ,
биология фанлари доктори.
Н. Г. СИМОНГУЛЯН,
биология фанлари кандидати.

15 МИЛЛИОН ПУД УЧУН!

ҒАЛЛАКОРЛИК ШАРАФИНИ ҚАДРЛАЙМИЗ

Бошқармамиз хўжаликларида бу йил дон ва дон-дуккакли экинлардан мўл ҳосил етиштирилди.

Ўрим-йиғимнинг дастлабки кунлариданоқ механизаторлар, комбайнчилар, ғаллачилик бригадалари ўртасида социалистик мусобақа қизитиб юборилди. Кўпгина хўжаликлар ўрим-йиғимни қисқа муддатларда туғаллаб, давлатга дон топширишда ажойиб ютуқларни қўлга киритдилар. «Гулбулоқ» совхози пландаги 1201 тонна ўрнига 1340 тонна, «Красногвардейск» совхози 549 тонна ўрнига 752 тонна, 1-«Ғаллаорол» совхози 2980 тонна ўрнига 3149 тонна дон топшириб, ғалла тайёрлаш планларини анча ошириб адо этди.

Ғаллакорларимизнинг тер тўкиб, ҳалол меҳнат қилишлари туфайли бошқармамиз дон тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари ошириб бажарди. Ватан омборига 10.200 тонна ғалла топширилди. Лекин район хўжаликларида план бажарилгандан кейин ҳам ўрим-йиғим суръати сусайтирилган эмас. Бошқарма хўжаликлари давлатга яна камида 2500 тонна ғалла сотиш ва республиканинг 15 миллион пудига муносиб ҳисса қўшиш мажбуриятини олдилар.

А. КАРИМОВ,
Булунғур ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи.

Г. М. ОЛЕЙНИКОВ

Ўзбекистон КП Марказий Комитети партия органлари бўлимининг инспектори Григорий Макарович Олейников узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 30 июлда вафот этди.

Г. М. Олейников 1909 йилда туғилди. У ўз меҳнат фаолиятини 17 ёшидан бошлади. 1927 йили у партия ишига — Ўзбекистон КП(б) Андижон округ комитетининг инструктори вазифасига кўтарилди. Шу вақтдан буён Г. М. Олейников 35 йилдан ортиқ комсомол, хўжалик ва партия раҳбар органларида ишлади. У Ўзбекистон КП(б) Андижон округ комитети ташкилот бўлимининг секретари, Наманган МТСи сиёсий бўлими бошлиғининг комсомол ишлари бўйича ёрдамчиси, сўнгра эса директорнинг сиёсий қисм бўйича ўринбосари ва шу МТСнинг директори бўлиб ишлади. Салкам 18 йил мобайнида Қорақалпоғистон Автоном республикасида — ер ишлари халқ комиссарининг ўринбосари, ер ишлари халқ комиссари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон КП Қорақалпоғистон область комитетининг иккинчи секретари бўлиб ишлади.

Г. М. Олейников олий партия мактабини битиргандан сўнг Хоразм областига ишга юборилди. У ерда область партия комитетининг иккинчи секретарлигига сайланди. Сўнгги уч йил мобайнида Григорий Макарович Олейников Ўзбекистон КП Марказий Комитети аппаратида масъул вазифада ишлади.

Г. М. Олейников қайси вазифада бўлмасин, ҳамма ерда фидокорона меҳнат қилди, ўзининг бутун кучи, тажрибаси ва билимини партия ва халққа хизмат қилишга бағишлади. Юксак коммунистик онглилик, ишда ижодий ғайрат, принципиаллик, камчиликларга нисбатан муросасизлик, кишиларга сезгир, меҳрибонлик билан муносабатда бўлиш Григорий Макаровичга хос бўлган фазилатлар эди.

Совет ҳукумати Г. М. Олейниковнинг хизматларини юксак баҳолаб, уни уч марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Қизил Юлдуз, «Ҳурмат белгиси» орденлари билан тақдирлади. У кўп йиллар мобайнида Қорақалпоғистон область партия комитетининг аъзоси, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг аъзоси, Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутати бўлди.

Моҳир ташкилотчи, толмас меҳнаткаш ва принципиал коммунист бўлган Григорий Макарович сезгир ўртоқ, самимий ва дилкаш инсон эди.

У билан бирга ишлаган ва уни билган кишиларнинг қалбида Григорий Макарович Олейниковнинг ёрқин хотираси умрбод сақланади.

Ш. Р. Рашидов, В. А. Карлов, Р. Қурбонов, Н. В. Мартинов, М. М. Мусахонов, Ё. С. Насриддинова, Р. Нишонов, И. И. Федюнинский, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. Муртазоев, И. М. Нажесткин, Г. Ф. Наймушин, Т. Г. Зинин, М. Р. Рамазонов, А. С. Абдалин, Г. М. Орлов, К. Тоиров, С. Б. Сафоев, М. М. Раҳмонқулов, Ш. З. Саломова, Д. Н. Мангельдин, А. Султонхўжаев, М. С. Саидов, М. Я. Буреш, С. З. Зиёмов, А. И. Охунжонов, Ё. Т. Зокиров, Б. А. Абдураззоқов, Г. И. Лебедев, А. М. Сапожникова, Н. М. Маҳмудов, Ф. Шамсиддинов, Б. Раҳимов, Қ. Камолов, А. З. Завьялов, В. К. Доленко, Е. Айтмуратов, Д. Ешимбетов, Г. И. Скоробогатов, П. И. Соколов ва бошқалар.

АВГУСТДА ҲАМ ИЮЛДАГИДЕК ИШЛАЙМИЗ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Мурожаати колхозимиз аъзолари томонидан тўла маъқулланмоқда. Чиндан ҳам олинган мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун август ойида ҳам зўр бериб меҳнат қилишимиз, ҳар туп ғўзанинг серкўсак бўлишига эришишимиз керак.

Колхозимиз пахтакорлари бу йил ўз зиммаларига юксак мажбурият олганликларини яхши ҳис қилиб, бутун куч ва эътиборни мўл ҳосил тўплашга қаратмоқдалар. Ҳосилдорликни ўтган йилдагига нисбатан 4,4 центнер ошириш, яъни гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ҳосил тўплаш ойи — июлда ғўза парвариши соҳасида қилинган ишларни якунлаб чиқди. Июлда ёмон ишламадик. Механизаторларимиз 2.131 гектар майдондаги ғўзани сифатли культивация қилдилар. Яъни бир ой ичида 1.048 гектар майдондаги ғўза икки марта культивация қилинди. Экин бир марта қондириб суғорилди. 400 гектар қумлоқ ердаги ғўза эса икки марта сув ичди.

Бу йил биз маҳаллий ўғитдан фойдаланишга айниқса катта эътибор бермоқдамиз. Ҳозир ҳам маҳаллий ўғит тайёрлашда 14 автомашина, 6 прицеп, 45 арава ишлаб турибди.

Ҳар бир бригадада ва звенода сувчиликка энг моҳир кишиларни танлаганмиз. Маълумки, ғўза бир кун кечиктириб суғорилса ҳам ҳосилга путур етади. Бизнинг шароитимизда бостириб суғориш эса жуда катта зарар етказади. Ерости сувлари юза жойлашганлиги сабабли экинни об-тобида суғориш ҳосил учун курашда ҳал қилувчи омиллардан биридир. Биз кекса колхозчилар билан маслаҳатлашиб, ғўзани тунда суғоришга энг тажрибали сувчилардан 40 кишини ажратдик.

Август ойида ҳосилнинг тақдири ҳал қилинади. Шу ойда янада зўр ғайрат билан меҳнат қилсак, ҳосилга барака қўшамиз. Августда ғўза парваришини тўхтатиб қўйган деҳқон эса ҳосилдан ютқазади. Июль ойида тўпланган кўсакларнинг салмоқли бўлиши, гул ва шоналарнинг тўкилмай кўсакка айланиши ҳамда ҳосилнинг барвақт етилиши августдаги ишимизга боғлиқдир. Ҳосилни эрта йиғиб териб олиш учун шу ойда янада самаралироқ ишлашимиз лозим.

Биз пахта майдонларини бирма-бир кўздан кечириб чиқиб, ғўзанинг ривожланиши ва ҳосил тўплаш даражасини аниқладик. Гектаридан 45 центнердан хирмон кўтариш учун курашаётган Юсуф Файзуллаев, Саттор Жабборов, Қаландар Эшжонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда шиғил-шиғил кўсак туккан ғўзалар кишини қувонтиради. Айниқса 65 ёшли Саттор Ражабов бошлиқ бригада майдонларидаги ғўзалар серҳосиллиги билан ажралиб турибди.

Колхоз ғўзаларини ҳозирги аҳволига қараб уч группага ажратиш мумкин. 400 гектар майдондаги ғўза жуда яхши ривожланмоқда ва бу ерда ҳар туп ўсимликда ҳозир 8-9 кўсак санаш мумкин. 500 гектарга яқин майдондаги экин 5-6 тадан кўсак туккан. Қолган майдонларда эса ҳар туп ғўзада атиги бир-иккитадан кўсак бор.

Август ойида ана шу майдонлардаги ғўзаларнинг аҳволига қараб агротехника тадбирларини табақалаштириб ўтказишни кўзда тутмоқдамиз. Ваъдага яраша ҳосил етиштириш учун 400 гектар майдондаги ғўзани бир марта комплекс парвариш қиламиз. Қолган майдонларда эса экин 1,5-2 марта комплекс парвариш қилинади.

Кўсакларнинг бўлиқ бўлиши ва тез етилиши учун шу ойда ҳар гектар ерга уч-тўрт тоннадан гўнг соламиз. Ҳосил тўплашда орқада қолаётган экинларнинг бир қисмини июль ойида серавж ғўзалар қаторига етказиб олдик. Лекин ҳали ҳам бир қисм ғўзаларнинг ривожи паст. Об-ҳаво инжиқлиги оқибатида 237 гектар майдонга қайта чигит экишга тўғри келган эди. Ана шу экинларни алоҳида парвариш қилишни планлаштирдик. Бу ерларнинг ҳар гектарига 8-9 тоннадан гўнг чиқариб солинади, қатор оралари икки марта юмшатилади. Шундай қилиб ҳамма майдонда мўл ҳосил тўпланишига эришамиз. Бунинг учун колхоз партия ташкилоти пахтакорларнинг бутун диққат-эътиборини имкониятлар ва резервлардан тўла фойдаланишга қаратмоқда. 60 дан ортиқ агитатор дала шийпонларида оммавий-тарбиявий ишларни олиб бормоқда. Колхозчиларнинг самарали ишлаши учун ҳамма қулайликлар яратилган: далада ҳар куни иссиқ овқат пиширилади, болалар боғча ва яслилари ишлаб турибди. Шу туфайли далада меҳнат унуми юқори, ҳар бир колхозчи кундалик топшириқни ортиғи билан адо этишга ҳаракат қилмоқда. Механизаторлар 850 гектар майдондаги росмана ўсган ғўза қатор ораларини тракторнинг иш органларига тўсиқлар ўрнатиб культивация қилмоқдалар. Ғўзани ўтоқ ва чеканка қилиш ҳамда суғориш қизғин бормоқда.

Август ойи учун белгиланган тадбирларимизда маҳаллий ўғитдан янада кўпроқ фойдаланиш кўзда тутилган. Шунинг учун ҳам колхоз фермаларидан, яйловдаги қўралардан гўнг ташиб келтирилмоқда.

Давлатга 4.600 тонна «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятимизни сўзсиз бажариш учун август ойида ғўза парваришини бир кун ҳам бўшаштирмай давом эттирамиз, колхоз партия ва хўжалик активи йиғилишида белгиланган тадбирларни тўла амалга оширамиз.

Августда ғўза парваришини худди июль ойидагидек давом эттириш билан бирга пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўрамиз. Бу йил 450 гектар ердаги ҳосилни машиналар билан йиғиб териб олишга сўз берганмиз. Машина теримига майдонлар баҳордаёқ ажратилган эди. Бу ердаги ғўза машина теримига мослаб парвариш қилинмоқда. 10 та «ХВС-1,2» машинасидан тўрттаси ремонтдан чиқарилди. Янгидан иккита пахта териш машинаси сотиб олиб, уларни ҳам обкатка қилиб қўйдик. Йўл ва кўприклар ремонт қилинмоқда. 1000 та қанор ва 1000 та этак ҳозирлаб қўйилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг пахтакорларга Мурожаати билан танишиб чиққан колхозимиз аъзолари августни ҳосилга барака қўшиш ойи деб эълон қилдилар. Мурожаатга амалий иш билан жавоб бериш мақсадида ғўзага шарбат оқизиш, культивация, чеканка, суғориш ишларини кучайтириб юбордилар. 792 колхозчидан пахтачиликка ажратилган 530 кишининг ҳаммаси дала ишларида актив қатнашмоқда. Бутун имкониятлардан фойдаланиб, ҳар туп ғўзада мумкин қадар кўп ҳосил тўплашга эришамиз.

О. АВАЗОВ,
Хоразм область, Шовот ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли колхоз агрономи, партия ташкилотининг секретари.

ҲОСИЛ ИШҚИДА

РЕПОРТАЖ

Уфқ нурланиб, қуёш ярқираб чиқа бошлади. Колхоз қишлоғи бир зумда заррин ёғдулар билан қопланди...

Биз колхоз партия ташкилотининг секретари Козимжон ака билан дала айланиб юрибмиз. Ҳар бир сўзни чертиб-чертиб гапирадиган, вазмин табиатли бу кишининг туриш-турмушидан қишлоқ одамларига хос соддалик ва олижаноблик ёғилади.

— Идорада ўтиришни ҳозир ман қилганмиз, — дейди кулиб парторг, — кимнинг юрагида ўти бор экан, унинг ўрни ҳозир далада.

Қаршимизда 9-10 гектар чамасидаги яхлит картадаги ғўзалар яшнаб турибди. Олислардан «универсаль» қорайиб кўринади. У борган сайин катталашиб, охири бизга яқинлаша бошлади. Рулда комбинезон кийган барваста йигит ўтирарди. У бизга бош ирғаб салом берди-да, машинасини қайириб ҳайдаб кетди.

— Раҳмон Нишонбоев, — деди Козимжон ака ҳалиги йигит ўтиб кетган томонга ишора қилиб, — колхозимизнинг эски лочинларидан. Мавсумда 1.300 гектар ғўзани культивация қилмоқчи, шу пайкалларнинг ҳосилини ҳам машинам билан ўзим тераман, деб аҳд қилган.

Ҳа, олтин куз ҳам узоқ эмас. Ҳозир эса пахтакорлар учун энг масъулиятли давр; ҳам мўл ҳосил тўпланади, ҳам йиғим-теримга шайланиш — терим машиналарини созлаш зарур.

Ана, даланинг нариги этагидан ўтаётган ариқ лабида бир туп ёшлар кўприк тузатиш билан банд. Берироқда бир гуруҳ қиз-жувонлар бўлиқ ғўзалар оралаб чеканка қилишяпти. Нариги пайкалда эгатларга таралган сув қуёш аксида ялтираб кўринади.

Козимжон ака энгашиб бир туп ғўза меваларини ҳафсала билан санаб чиқди:

— Тўққизта кўсак, ўн иккита шона, бешта гул, — деди завқланиб, сўнг мамнунлик билан қўшиб қўйди: — булар азамат деҳқонларимизнинг, механизаторларимизнинг иши. Қандини урсин, азаматлар. Бу йилги табиат инжиқликларини мардонавор енгишди. Ҳозир мен сизни механизатор деҳқонларнинг сардори билан таништираман. Ана, келяпти.

— Зоиров, — механизатор бизга яқинлашиб келиб кўришди. У билан Козим ака ўртасида бўлган суҳбат бизга анча нарсани англатди. Колхоздаги ўн иккита «ХВС»нинг саккизтаси ремонтдан чиқибди. Ўн бешта автомашинанинг ўнтаси, қирқта от араванинг йигирма учтаси, бричка ва автоприцепларнинг деярли ярми мавсумга тахт. Яқин кунларда хирмонларни тайёрлаш ишлари ҳам кучайиб кетади. Ўтган йили 150-200 тонналаб пахта терган Марат Ким, Мажид Бўрибеков, ёш турсунойчилардан Ҳамида Тиллахўжаева, Дилором Юсуповаларнинг бу йилги аҳдлари ҳам чакки эмас. Ана шу механизаторларимиз бу йил 1.000 гектарча майдондаги пахта ҳосилини машиналар ёрдами билан териб оладилар.

Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан руҳланган Тошкент область, Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинизм» колхозининг азамат пахтакорлари бу йил ҳар гектар ердан 40 центнердан «оқ олтин» кўтариш учун курашни янада кучайтириб юбордилар.

Т. НАЗИРОВ.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

Сув — ғўзанинг қони, мўл ҳосил гарови. Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ҳамид Олимжон номли колхознинг Абдусаттор Анорқулов, Иброҳим Пиримқулов бошлиқ бригадаларининг аъзолари ана шу шиор асосида ишлаб, барча майдонлардаги экинни 4 марта комплекс парвариш қилдилар ва уч марта қондириб суғордилар. Натижада бу майдонлардаги ҳар туп ўсимлик ҳозироқ 7-8 тадан тўқ кўсак тугди.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
С. МУСТАЖОЕВ.

* * *

Шўрчи ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Меҳнат-роҳат» колхози пахтакорлари 2350 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтариш учун курашмоқдалар. Жума Ҳимматов, Мамашукур Жабборов, Зайнаб Расулова бошлиқ бригадаларнинг аъзолари ўз далаларидаги ғўзаларни чеканкадан чиқардилар.

А. МАМАДИЕВ.

ТОННА-ТОННА СИЛОС

БУХОРО, (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Вобкент ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинобод» колхози аъзолари маккажўхорини зўр уюшқоқлик билан ўриб олмоқдалар. Ўртоқ Н. Усмонов ўзи бошқараётган агрегат билан бир йўла уч ишни — маккажўхорини ўриш, пояни майдалаш ва донни ажратиш ишларини бажармоқда. 4 автомашина майдаланган кўкпоя ва маккажўхори донини узлуксиз ташиб турибди.

Колхозда ҳар гектар ердаги маккажўхоридан ўртача 800 центнердан кўкпоя, 50 центнердан дон олинмоқда.

ИЗБОСКАН районидаги «Пахтаобод» колхозида силос бостириш қизғин бормоқда. Артель чорвадорлари сигир бошига 20 тоннадан жами 2500 тонна силос бостиришга аҳд қилганлар. Биринчи суратда: колхоз шофери Ҳайдарали Акбаров траншеяларга кўкпояни ташиб бормоқда. Иккинчи суратда: тракторчи М. Мирзакаримов ва комбайнчи Х. Рамазоновлар маккажўхорини ўришмоқда. Учинчи суратда: механизатор Қамчибек Эгамов траншеялардаги кўкпояни трамбовка қилаётганини кўриб турибсиз.

С. Безносов фотоси.





ШОИРА ЛЕСЯ УКРАИНКА

Бугун атоқли шоира Леся Украинканинг вафотига эллик йил тўлди. Ўзининг нозик лирик сози, жанговар овози билан шуҳрат қозонган истеъдодли шоира Леся Украинка украин адабиётигагина эмас, дунё адабиётининг бой ҳазинасига ҳам ажойиб дурдоналар қўшди. Бўлғуси шоира Лариса Косач (онасининг маслаҳати билан Леся Украинка таҳаллусини олган) ўн тўққиз ёшиданоқ халқни социал ва миллий зулмдан қутулишга чорлаб шеърлар ёзган эди. Кейинчалик Леся ишчилар ҳаракати билан яқиндан алоқада бўлди, марксизмнинг синфий кураш назариясини омма ўртасида ёйишда иштирок этди. Леся Украинка Америка ва Осиё халқларининг машаққатли ҳаёти ҳақида алам билан ёзди, уларни ўз эркини қўлга олишга чақирди.

«Ҳеч қачон ҳеч кимни севмаган кишигина нафрат нима эканлигини билмайди», деб ёзади шоира. У подшо ҳукуматидан нафратланади, халқларни босқинчиларга қарши курашга чақиради.

Шоиранинг инсон қалбининг энг нозик торларини чертувчи лирик шеърлари, халқ оғзаки ижоди асосида ёзилган «Ўрмон қўшиғи» пьесаси дунё адабиётининг олтин фондига кирди.

Леся Украинка лирик шеърлар билан бир қаторда ўз даврининг муҳим проблемаларини кўтариб чиққан бир қатор поэмалар ҳам яратди. У ўзининг «Роберт Брюс» поэмасида ажойиб халқ қаҳрамони образини яратган бўлса, «Кўҳна эртак»да ўрта асрлар даврини жонлантиради. «Вила Посестра» поэмасини ўқисангиз, серб халқининг миллий традициялари, кураши кўз олдингизда намоён бўлади. Шоира «Тош ҳоким» поэмасида шахс эркинлиги масаласини кўтаради.

Леся Украинканинг асарлари СССР ва дунё халқларининг жуда кўп тилларига таржима қилинган.

Леся УКРАИНКА

ТОНГ ОТАР МАШЪАЛЛАРИ

Ҳорғин бу эл узра қанотин
Астагина ёйди қаро тун.
Шамлар ўчган, зим-зиё ҳар ён,
Ётар ширин уйқуда жаҳон,
Тун борлиқни қамраган бутун.

Алам чекар ким бўлса бедор!
Ухлаганлар қандай бахтиёр!
Кўзларимга келмайди уйқу,
Атроф жим-жит, атроф
қоронғи.
Сукут ичра гўёки мозор.

Кеча узоқ, тоқатларим тоқ,
Гўё туннинг сўнги йўқ мутлоқ.
Шу тоб бирдан кўринди зиё,
Зулмат ичра касб этиб жило —
Узоқларда порлади чироқ.

Чироқ! Бериб қуёшдан хабар,
Тун бағрини тилкалаб ёнар,
Ёнар бўлмай уфқлар алвон,
Ёнар турмай уйқудан жаҳон —
Меҳнат аҳли ёққан машъаллар.

Тўлқин урар кўнгилда исён,
Уйғон, сени иш кутар, уйғон!
Ҳайда туннинг ғафлат уйқусин,
Ёқ тонг отар машъалини сен,
Қуёш чиқмай, уйғонмай жаҳон.

САФГА ТУРДИК

Сафга турдик—ҳақдир йўлимиз.
Биламиз, ҳақ асло енгилмас.
Шу ишонч-ла кучли қўлимиз,
Шу ишонч-ла оламиз нафас.

Сафимизда йўқ бирор олчоқ,
Қўрқитолмас бизларни зулмат.
Қўлимизда муқаддас байроқ,
Баланд тутиб борамиз ҳар вақт.

Ким ҳақ учун қилса фидо жон,
Бизнинг сафга турсин баробар.
Унга қалблар очиқ ҳар қачон,
Ҳақни севган бизга биродар.

Э. Воҳидов таржимаси.

СУВ иншоотларини қуришда сув проблемалари ва гидротехника институтининг ходимлари катта роль ўйнайдилар. Бу ерда иншоотларнинг модели қурилиб, синовдан ўтказилади, мукаммаллаштирилади. Суратда: техника фанлари кандидати Н. Сурова ва бош техник Э. Абаев ўртоқлар Туямўйин гидроузелининг моделини синаб кўрмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

МАЪРИФАТ ДАРГОҲИДАГИ ДОҒУЛИ

ФЕЛЬЕТОН

Бир ҳафтаки, Эргаш Маҳкамов ўзини қўярга жой тополмайди, икки чаккасини ушлаб уҳ тортгани тортган. Кеча почтальон олиб келиб берган хат дард устига чипқон бўлди. Хатни очиб бир варағини ўқиди-ю, қалтироқ қўллари билан дарҳол тўрт буклаб гугурт чақди.

Ўша хатнинг нусхалари бизнинг қўлимизда. Келинг, бирга ўқиб чиқайлик. Эргаш Маҳкамовнинг афт-ангорини биласиз қўясиз. Мана, унда нималар дейилган:

Расм-русумимиз бўйича бировга хат ёзмоқчи бўлсак, сарлавҳа ўрнида салом дейилади. Аммо, сенга мактуб ёзаётганда салом дейишдан азбаройи ҳазар қилганимиздан сарлавҳа ўрнида «Маърифат даргоҳидаги доғули» деб қўйдик. Кўзларинг ола-қула бўлиб, рангинг оқармай қўя қолсин. Қилмиш-қидирмиш деганлар аҳлирасолар. Қилган ишларингга бу ҳам камлик қилади.

Бундан ўн икки йил муқаддам Эргаш бировнинг хотинига кўз олайтирганда, оломон уни ноғорадай қоқиб, адабини берибди дейишганда, ишонмаган эдик. Йўқ, кейин эшитсак, инсон фарзанди қилмайдиган бу ёвуз ва жирканч хатти-ҳаракатинг орқасида қамалиб чиқибсан. 1952 йилда Бекободдаги 9-мактабда директор бўлиб турганингда, 1956 йилда пионер лагерининг бошлиғи вазифасини бажараётганингда яна тутқалоғинг тутиб, нораста қизларга кўз олайтирибсан-у, аммо кўпчилик ҳиқилдоғингдан ушлаб қолибди.

Қўл остингдаги одамлар билан дағал гаплашадиган одатинг ҳали ҳам йўқолмабди. Ахир, Бекобод шаҳар халқ маорифи бўлими мудирлиги лавозимига келганингдан буён ҳамма сендан норози. Қўполлигингни бир чеккага олиб қўяйлик, майли, ахир сенинг ҳар бир босган қадаминг ифлос-ку! Бунисига нима дейсан?

1957 йилда ўғирлигинг хумор қилиб, мактабларга аталган шиферни пулладинг. Харж бировларнинг чўнтагидан бўлса, ҳотамтой бўлиш ҳеч гап эмас экан. Метод кабинет қурдик, уни ювайлик, деб мактаб директорларидан пул йиғиб, базми жамшид бердинг. Сўзингни икки қилган билан адибади деб ўтирмай, ишдан бўшатавердинг. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, нима кўп, сенинг найрангинг кўп. Кел, бир бошдан ёза қолайлик.

1946 йилда собиқ Қашқадарё область партия комитетида сектор мудири вазифасида ишлаётганингда қалбаки ишларинг учун қаттиқ виговор олдинг. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади, тўғри одам бўлганингда, хатони тузатиб, ўзингни ўнглаб олардинг. Йўқ, орадан бир йил ўтар-ўтмас ўқувчилар еб турган овқатни томоғидан юлиб олдинг. Салкам уч тонна гўштни ўмардинг. Партия сафидан ўчдинг. Шу шаталоқ отганингча уч йил суд-прокуратура органларидан қочиб, қайси бир хилватларда ётдинг.

1955 йилда Яккабоғдан шўнғиб чиқдинг. Уни алдаб, буни алдаб, кўзбўямачилик йўли билан қайтадан партия сафига ўтдинг. Шундан кейин товламачиликни авжига миндирдинг. Мундоқ атрофингга қарасанг, чорак асрдан ортиқ вақт ўқитувчилик қилганлар давлатдан пенсия оляпти. Кўнглинг суст кетиб, сохта ҳужжат тўплашга киришдинг. Ҳали ўн йил ҳам тўлмаган педстажингни 25 йиллик қилиб пуфладинг. Бекобод шаҳар ва Тошкент область социал таъминот бўлимидаги айрим анқовлардан фойдаланиб, 1960 йилдан буён «узоқ йил ишлаганлигинг» учун ойида 60 сўмдан пенсия олиб турибсан. Айтгин-чи, қайси виждони пок одам шу ишни қилади?

Эргаш МАҲКАМОВ.

Э, нималар деяпмиз? Сенда виждон бўлса, Самарқанд Давлат университетида ўқимай-нетмай, университетни аъло баҳолар билан тамомлади деган диплом олармидинг? Хўш, шу 398641 номерли сохта дипломдан ташқари маълумотинг ҳақида ҳужжат борми? Тилинг сўзга бормас. Негаки, шу дипломни ўша кезлари Самарқанд Давлат университетининг сиртқи таълим бўйича проректори бўлиб турган ҳамтовоғинг Я. Кизбоев ёрдамида неча ҳийла-найранглар билан ўлжа қилганинг энди сирдан кўчди. Ҳозир ўша ошнанг Я. Кизбоев Бухоро Давлат педагогика институтининг сиртқи таълим бўйича проректори қилиб қўйилибди.

Вужудинг найранглигига ўзинг аллақачон иқрор бўлгансан. Сенинг ўзингга ёзадиган хат ҳам йўқ эди. Узоқ йиллар давомида хиёнатларингни хас-пўшлаб, истаган номаъқулчиликни қилишингга йўл очиб берганлар энди жавоб беришсин деб хатни бир неча нусхада битган эдик. Шулардан биринчи нусхаси Ўзбекистон ССР Маориф министрлигига юборилди.

Министр ўртоқ Э. Қодиров бутун жиноятларингдан хабардор бўла туриб устингдан тушган аризага эътиборсизлик билан қаради. Бўлмаса кирдикорларинг очиб ташланганда сени паноҳига олармиди? Ҳатто шу йили апрель ойида сенинг ишинг юзасидан тушган аризани текширган комиссия министрлик коллегиясида хиёнат-жиноятларингни очмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганда, министр Э. Қодиров ўринбосарлари К. Улаева ва Д. Сеитниёзовлар билан қорани оқ деб туриб олишди. Коллегия сенинг найрангларингни хас-пўшлаб принципсизлик қилди. Бунинг устига министрлик сени Сирдарё область халқ маорифи бўлими мудирлигига тавсия этиб, мадҳиянома ҳам берди.

Хўш, министрликдаги айрим ўртоқлар бу масалада либераллик қилган экан, Бекобод шаҳар ва район партия комитетлари, Тошкент қишлоқ область партия комитетидаги ўртоқлар нега бу ишга панжа орасидан қарашди? Қўша-қўша шикоятларнинг текширилмай, тортмага ташлаб қўйилганини қандай баҳолаш мумкин?

Маҳкамовнинг иши хас-пўшландигина эмас, ҳатто айрим масъул ходимларнинг тавсияси билан у ишбилармон ташкилотчи сифатида кўкларга кўтариб мақталди. 1960 йили Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлашга тақдим этилди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас кўкрагига «Халқ маорифи аълочиси» значоги тақилди. Пешонангнинг ярқираганини қарагинки, яна бир йил ўтказиб, 1962 йилда сени «Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи» деган шарафли номга сазовор қилишди. Фахрий ёрлиқ билан мукофотландинг. Бу қадар кўкка кўтаришларнинг сабаби нимада эди? Тошкент қишлоқ область партия комитети инструктори М. Эшонхўжаев ва Бекободдаги собиқ район партия комитетининг секретари К. Ўрмоновдан Маҳкамов масаласида ишни чалғитиб юборганликларининг сабабини сўраб олсин, деб хатнинг бир нусхаси Тошкент қишлоқ область партия комитетига юборилди.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги эса Маҳкамовдан уч йил мобайнида тўланган 2185 сўм «пенсия» пулини ундириб олиши керак.

Маърифат даргоҳидаги бир доғулининг нопок ишлари узоқ йиллар давомида бир ёқлик қилинмай пайсалга солинганлиги, ёш авлодни тарбиялашдек шарафли иш номуносиб шахсга бериб қўйилганлиги кишини таажжублантиради. Ниҳоят Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Партия-давлат контроли комитетида ҳақ ўрнида қарор топди. Э. Маҳкамов фош қилинди. Ишдан четлаштирилди. Э. Маҳкамовнинг партия сафида қолиш-қолмаслигини кўриб чиқиш масаласи Бекобод шаҳар партия комитетига топширилди.

Жамоатчилик Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги, Бекобод шаҳар партия комитети, Тошкент қишлоқ область партия комитетидан жавоб кутади.

С. КАРОМАТОВ.

Хатларингизга ЖАВОБ бердилар

НАФС ҚУРБОНЛАРИ

Редакция Самарқанд ишлаб чиқариш бошқармасидаги Киров номли колхоз аъзоларидан хат олди. Унда таъкидланишича, агроном Воси Аҳмедов виночилик бўлимининг мудири М. Ҳайдаров билан тил бириктириб, колхоз мулкига кўз олайтирган, харидорлар ҳақига хиёнат қилган. Шу йўл билан хусусий бойлик орттирган.

Текширишда хатда кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланди, текшириш якуни Самарқанд ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг бюросида муҳокама қилиниб, Воси Аҳмедов агрономлик вазифасидан олиб ташланди ва у партия сафидан ўчирилди. Шунингдек, М. Ҳайдаров ҳам ишдан олинди. Хўжаликка раҳбарлик қилишда принципиаллик кўрсатмагани, контролликни бўшаштириб юборгани учун колхоз раиси О. Олчинбоевага виговор эълон қилинди.

КЕЧА КЕЛГАН ХАБАРЛАРДАН

МЕҲНАТ СОВҒАСИ *Хевадаги ёғ заводининг ишчилари етти ойлик пландан ташқари 222 тонна пахта мойи ва 4600 сўм фойда бердилар. С. Рўзметов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси ана шу маҳсулотнинг ярмини ишлаб чиқарди.*

«МАНАС» ВА МАНАСЧИ

Қирғиз халқининг буюк шеърий ёдгорлиги — «Манас» қаҳрамонлик эпосига ҳажм жиҳатидан дунёда тенг келадиган асар йўқ. Ҳозир эпоснинг бир неча варианти тўпланган. Уларнинг орасида энг тўлароғи талантли бахши—манасчи Саякбой Қоралаевдан ёзиб олинган нусхасидир. Бу вариантда ярим миллиондан ортиқ сатр бор.

Мана шу «халқ шеърияти океани» халқ бахшилари — манасчилар туфайли асрдан асрга, авлоддан авлодга ўтиб келган.

«Манас» трилогиясини тўла куйлаш учун манасчига тўқсон тўққиз кун керак, дейди қирғиз халқи. Бу лоф эмас. Саякбой Қоралаев поэзия океанининг бир қирғоғидан иккинчи қирғоғига бир неча ой ичида «сузиб ўтади». Бунинг учун қандай хотирага эга бўлиш кераклигини бир тасаввур қилиб кўринг!

Қирғиз эпосини ўрганиш ҳали тамомланмаган. Қирғизистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг илмий ходимлари, шунингдек Москва ва Ленинграднинг фольклорчилари монументаль эпопея устида ишламоқдалар. Яқинда «Манас»нинг қисқартирилган тўрт томлик варианти босилиб чиқди. У юз минг шеърий йўлдан иборат.

Эсонали АБДИЛДАЕВ,
Қирғизистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими.

ЯНГИ ЗАВОД *Самарқанд шаҳрида янгидан қурилаётган шина-ремонт заводи битказилиб, фойдаланишга топширилди. Бу корхонанинг ишга туширилиши область саноат экономикасида катта аҳамиятга эгадир. У йилига ҳар хил маркадаги автомашина ва мотоциклларга кўп миқдорда шинани ремонт қилиб беради.*

Оламда нима гап

ФАШИСТЛАРНИНГ ЖИНОЯТИ

ЛОНДОН, 30 июль. (ТАСС). Инглиз меҳнаткашларининг «Дейли уоркер» газетаси биноси олдига эрта саҳар ғизиллаб келган такси машинасидан икки киши алангалаб тушди. Бир неча минутдан сўнг кучли портлаш ҳамма ёқни ларзага келтирди. Кўчанинг нариги томонида, 12 метрдан кўпроқ масофада бўлган иморатларнинг ойналари бомба парчалари тегиб, чил-чил бўлди.

Ҳозир Лондонда ўтказилаётган судда шу йил 26 майда бўлган бу воқеа Мосли раҳбарлигидаги «бирлик ҳаракати» ташкилотининг фашист бебошлар томонидан ташкил этилганлиги далиллар билан исботланди. Бу шайканинг қатнашчиларидан учтаси ҳозир қора курсида ўтирибди.

Айбланувчилардан бири судда айтган гапига қараганда, у ўзининг шериклари билан шу портлатиш тўғрисида бир кун олдин маслаҳатлашиб, режа тузиб қўйган. Фашистлар бомбани ўзлари учун бехатар вақтда портлатмоқчи бўлганлар, чунки якшанба куни газета чиқмайди.

Портлатишни ташкил этувчининг уйини полиция текшириб кўрганида, бомба ясаш учун керакли моддалар топилди.

Мутахассислар, газета биноси олдида портлатилган бомба 30 метрдан кўпроқ масофада турган ҳар бир кишини ҳалок қилиши мумкин эди, деган хулосага келдилар.

Бошқа бир жиноятчининг уйидан фашистлар ташкилотининг органи «Экшн» журналининг нусхалари, бомба ясаш учун яроқли химиявий моддалар топилди.

СССРГА ҚИЛИНГАН САФАР ФОЙДАЛИ БЎЛДИ

АҚШ ДЕҲҚОНЧИЛИК МИНИСТРИ ОРВИЛЛ ФРИМЭННИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

АҚШ қишлоқ хўжалик мутахассисларининг деҳқончилик министри Орвилл Л. Фримэн бошчилигида келган делегацияси Совет Иттифоқида икки ҳафтадан кўпроқ меҳмон бўлди. Америкалик меҳмонлар Оренбург областининг қўриқ ерларидаги совхозларда, Ўзбекистон, Украина ва Белоруссия республикаларининг хўжаликлари ва илмий тадқиқот муассасаларида, Краснодар ўлкасида ва Ленинградда бўлдилар.

АҚШ элчихонасида 30 июлда ўтказилган матбуот конференциясида О. Фримэн бундай деди:

— Биз борган жойларнинг ҳаммасида бизни жуда самимий ва дўстона қабул қилишди. Ҳамма саволларимизга чин кўнгилдан ва ошкора жавоблар олдик. Қўшма Штатларнинг халқи каби совет халқи ҳам тинчликка жуда интилаётганлиги бизда айниқса чуқур таассурот қолдирди.

Деҳқончилик министри СССР бўйлаб қилинган сафарнинг якунлари ҳақида гапириб айтдики, Совет Иттифоқи ва АҚШ қишлоқ хўжалигининг бир-бирига ўхшаш проблемалари кўп. Булар экинларнинг зараркунандалари ва касалликларига қарши, табиатнинг инжиқликларига қарши кураш билан боғлиқ бўлган проблемалардир. Ҳар иккала мамлакатнинг олимлари, қишлоқ хўжалик ходимлари тажриба алмашиш йўли билан бир-бирларидан кўпгина фойдали билимларни ўрганиб олишлари мумкин. Бунинг аҳамияти яна шундаки, АҚШ ва СССРнинг кўпгина районларидаги табиий иқлим шароити бир-бирига жуда ўхшайди.

О. Фримэн қўриқ ерларни ўзлаштириш тўғрисида гапириб, бу план амалга оширилганлиги СССРда дон етиштиришни анча кўпайтиришга имкон берганлигини айтди.

Кейинги беш йил ичида, деди у, Совет Иттифоқида дон етиштириш ва маккажўхори ўстириш соҳасида жуда катта иш қилинган. Биз қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам дўстона мусобақани астойдил табриклаймиз, чунки бу мусобақа тараққиётни тезлаштирувчи воситадир ва ҳар иккала халқимизга ҳамда бутун дунё халқларига фойда келтиради.

Ҳаёт учун, деди сўнгра О. Фримэн, ҳаво, сув ва овқат зарур. Москвада қилинган ғоят муҳим ишдан ҳаммамиз хурсандмиз, бу ерда СССР, Англия ва АҚШ вакиллари планетамизнинг ҳавосини ва сувини радиоактив моддалар билан заҳарланишдан ҳимоя қилишга қаратилган битимга келдилар. Қишлоқ хўжалиги ҳам бутун инсониятни овқат билан таъминламоқ учун етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириб бериш йўли билан тинчлик ишига ҳисса қўшиши мумкин.

Мухбирларнинг саволларига жавобан О. Фримэн, мен бугун Москвада СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев билан суҳбатлашдим ва бу суҳбат менда жуда яхши таассурот қолдирди, деди.

Матбуот конференциясининг охирида АҚШ деҳқончилик министри бундай деди: «Мен СССРга яна қачон келишимни айта олмайман, лекин СССРга яна бир марта келишни жуда истар эдим». (ТАСС).

ХОТИН-ҚИЗ АКТИВЛАР ЙИҒИЛИШИ

30 июлда Тошкентда шаҳар хотин-қизлар активининг йиғилиши бўлди. Жаҳон хотин-қизлар конгрессининг қатнашчиси Ш. Саломова ғоят катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган ана шу катта форумнинг иши ҳақида гапириб берди.

Учрашув қатнашчилари Жаҳон хотин-қизлар конгресси якунларини қизғин маъқулладилар. Улар конгресс делегатлари Хитой делегациясининг халқаро демократик хотин-қизлар ҳаракати сафларини бузиш, империализмга ва мустамлакачиликка қарши, тинчлик учун курашдаги бирлашган фронтни бўшаштириш йўлидаги уринишларини қатъий қоралаганликлари ҳақидаги хабарни мамнуният билан кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

ТИНЧЛИК ВА ДЕМОКРАТИЯ УЧУН

МАНОЛИС ГЛЕЗОСНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

МОСКВА, 30 июль. (ТАСС). Грециянинг таниқли жамоат арбоби, миллий қаҳрамони, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотининг лауреати Манолис Глезос бугун совет ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказди.

Манолис Глезос матбуот конференциясида берган ўзининг баёнотида совет халқи Греция зиндонларида азоб тортиб ётган сиёсий маҳбусларни ҳимоя қилмоқ учун жуда катта куч ва ғайрат сарфлаганлигини айтди ва бунинг учун совет халқига самимий миннатдорчилик изҳор қилди. Совет халқининг биз, сиёсий маҳбусларни бундай қўллаб-қувватлаганлиги, деди Манолис Глезос, ҳаммамизга жуда таъсир қилди. Совет кишиларида интернационал бирдамлик кучлари юксак даражада ривожланган. Улар менга маънавий ёрдам кўрсатаётганларида, бу билан бир кишини ҳимоя қилиш учун эмас, балки фашизм ҳамда реакциядан нафратланаётган бутун грек халқининг вакилларини ҳам ҳимоя қилиш учун курашаётганликларини яхши билар эдилар.

Манолис Глезос айтдики, ҳозирги вақтда Греция тюрьмаларида бир мингдан кўпроқ сиёсий маҳбус азоб тортиб ётибди. Уларнинг кўплари иккинчи жаҳон уруши тамом бўлган пайтдан бери тюрьмада қамалиб ётган кишилардир. Грециянинг мана шу ҳақиқий ватанпарварларини, фашизмга қарши, тинчлик ва тараққиёт учун қўрқмай курашган кишиларни ватан хоинлари, қотиллар ёки чет эл жосуслари деган кулгили важлар билан зиндонларда ушлаб турибдилар. Ваҳолонки, грек сиёсий маҳбуслари халқнинг содиқ фарзандлари, ўз ватанининг садоқатли ватанпарварлари эканлигини бутун дунё билади.

Манолис Глезос озодлик йўлида курашганлиги учун қамаб қўйилган бир қанча кишиларнинг (шу жумладан кекса коммунист Костас Васалоснинг) номини айтиб берди. Улар ўз эътиқодларидан воз кечишни истамаганликлари, Греция Коммунистик партияси билан ўзларининг жонажон алоқаларини узишни истамаганликлари учунгина тюрьмаларда азоб тортмоқдалар.

Реакция ва империализмнинг малайлари узоқ йиллардан бери тюрьмаларда азоб тортаётган коммунистларни ва бошқа прогрессив арбобларни тиз чўктирмоқчи бўладилар, уларни бирор айбни ўз устларига олишга мажбур этмоқчи бўладилар. Лекин коммунистлар ва демократлар бунақа одамлар эмас. Уларни ҳеч қандай репрессия, ҳеч қандай қийноқ ва таҳқирлашлар ўз эътиқодларидан воз кечишга, ўз номусларини букишга мажбур этолмайди.

Мухбирларнинг жуда кўп саволларига жавобан Манолис Глезос ўзи ҳақида ҳамда фашизм ва реакцияга қарши ўзининг олиб борган кураши тўғрисида, сотқин ва реакцион ҳукуматга қарши грек халқининг олиб бораётган кураши тўғрисида, ўзининг акаси Никос Глезос ва унинг озод демократик Греция учун курашганлиги сабабли фашист оккупациячилари томонидан қатл этилганлиги ҳақида, ўзи билан тюрьмада азоб тортган ўртоқлари ва дўстлари ҳақида гапириб берди.

Манолис Глезос, атмосферада, космосда ва сув остида ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги шартнома ялпи тинчлик йўлида қўйилган янги катта қадам, деб ҳисоблайман ва бу шартноманинг Москвада келишиб олинганлигини чин кўнгилдан табриклайман, деди.

Манолис Глезос мухбирларга совет халқи билан, барча демократлар билан матбуот орқали маҳкам ва кенг алоқа боғлаш имкониятини берганликлари учун қизғин ташаккур айтди.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

РАДИО

1 АВГУСТДА

Биринчи программа: 8.25 — Концерт, 9.25 — Кичик концерт, 9.50 — Ленинча тинч яшаш сиёсати—КПССнинг бош йўли (суҳбат), 10.10—Пионер эрталиги, 10.30 — Музикали драмалардан парчалар, 11.15—Социалистик мамлакатлар, 11.25—И. Стравинский. «Симфония», 12.15 — Украина радиоси эшиттириши, 12.25—Концерт (хор капелласи ижросида), 13.30 — Совет экрани куйлари, 15.30 —Балетлардан парчалар, 16.10 — Қуёш ҳамиша нур сочиб турсин (ўзбек тилида радиокомпозиция), 16.30—Туроб Тўла шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар, 18.15 — Идеология ва ҳаёт, 18.30 — Ўзбекистон композиторлари — болаларга (рус тилида), 19.20 — Концерт (татар куйларидан), 20.00 — Сиёсий ташкилотчилар олиб бораётган ишлар, 20.10 — Концерт (радио эшитувчилар талабига мувофиқ), 20.45 — Саноат ходимлари учун.

Иккинчи программа: 19.00 — Романслар, 19.30 — Леся Украинка шеърлари, 20.10 — Рақс ритмлари, 20.45 — Саноат темасида (рус тилида), 21.00 — Концерт (Л. Шарипова ва Р. Толмасов ижросида), 21.30 — Концерт (С. Қобилова ижросида), 22.10 — Адабий эшиттириш (ўзбек тилида). 22.30 — Концерт (эстрада артистлари ижросида), 23.15 — Адабий-музикали эшиттириш.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

1 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Биларжон ҳайвонот боғида** (кичкинтойлар учун), 18.15 — **Телевизион янгиликлар.**

Қозоқ тилида: 18.35 — **Пахта далаларида.**

Ўзбек тилида: 19.00 — **Истиқбол эгалари** телевизион журнали.

20.00 — **Эртаси куни программаси.**

Рус тилида: 20.05 — **Телевизион янгиликлар,** 20.25 — **Узоқ умр кўриш сири** (ҳужжатли фильм), 21.25—**Енгилтак** номли бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Олмаота телестудияси эшиттиришлари.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Дахлсиз (1 ва 2-серия) — **«ВАТАН»,** НАВОИЙ номли, **«ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА»** (2-залда), **«СПУТНИК»** (кундуз ва кечқурун).

Эртага келинг — «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), **«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ»** (кундуз соат 12.4 ва кеч 8 да).

Сўнгги ғалла — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Казимир — «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун).

Аблаҳлар тўдаси — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Ансельмининг ҳалокати — «ЮЛДУЗ» (кеч соат 5,7 ва 9 да).

Баҳордан баҳоргача — КИНОЛЕКТОРИЙ (кундуз соат 1 дан).

Амирликнинг емирилиши — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

ЁЗГИ БИНОДА:

(кеч соат 9.15 ва 10.45 минутда)

Дахлсиз (1 ва 2-серия) — **«ВАТАН»,** НАВОИЙ номли, **«ФЕСТИВАЛЬ»,** КАФАНОВ номли.

Эртага келинг — «ХЕВА», ТЕЛЬМАН номли, **«РАКЕТА»,** ПУШКИН номли.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

4 августда

Япония (миллий терма команда)— «Пахтакор» (Тошкент) ўртасида

ФУТБОЛ

(халқаро учрашув)

Кеч соат 7 да бошланади. Билетлар стадион кассаларида сотилмоқда. 11-абонемент-талон яроқли.

Тошкентдаги
30-ПРОФЕССИОНАЛ-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1963/64 ўқув йилига
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти тўқимачилик корхоналари учун мастер ёрдамчилари тайёрлайди.

8- синф ҳажмида маълумоти бўлган 16 яшар йигитлар қабул қилинади.

Қабул қилинганлар овқат ва кийим билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Заводская кўчаси, 34-уй, қабул комиссияси.

Апанасенко кўчаси, 11-уйда турувчи **Наталья Васильевна Тарасенконинг** Первомайская кўчаси, 67-уйда турувчи Пётр Миронович Есиковдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Мўйноқ кўчаси, 2-проезд, 9-уйда турувчи **Баҳодир Муродхўжаевнинг** Калинин район, Максим Горький номли совхозда турувчи Ульяна Муродхўжаева (Эргашева)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район халқ судида кўрилади.

Редактор
З. И. ЕСЕНБОЕВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

КОММУТАТОР — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258 Редакция телефонлари: Секретариат —27283. Партия турмуши—83469, 27221. Пропаганда—31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258 Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.
Р. 06597. Индекс 64543. Нашр. № 177.